№ 68 (2637) - son

# Ishonch

*Insonga naf keltirish – oliy baxt*

2009-yil iyun

| D | S | Ch | P | J | Sh | Y | D | S | Ch | P | J | Sh | Y | D | S | Ch | P | J | Sh | Y | D | S | Ch | P | J | Sh | Y | D | S |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✻ E-mail: mail@ishonch.uz ✻ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



## Болажонларнинг севимли маскани

«Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик темирйўл компаниясининг «Қибрай» болалар соғломлаштириш оромгоҳи болажонларнинг севимли дам олиш масканларидан бири.

Бу ерда биринчи сменада Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё, Жиззах вилоятларидан 400 нафарга яқин бола ҳордиқ чиқаради.

***Суратларда:*** *Болалар «Қибрай» болалар соғломлаштириш оромгоҳига йўл олмоқда.*

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**







### Қиёфа, аслият ва самимият...

5



### Ошқозон қоп эмас...

12



### Тақдир рақамингизни биласизми?

13



### Сколари шартнома имзолади

14

## ҚАШҚАДАРЁдан дараклар

**Қарши педагогика коллежида ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.**

## Танлов

Иштирокчилар ахборот-ресурс марказларида уюштирилган энг яхши тадбирлар акс этган маълумотлар тақдимотини саҳифалар орқали намойиш этиш, марказда олиб борилган ишлар ҳақида маъруза қилиш, соҳага оид тест синови ва интернет ёрдамида мавзуга доир маълумотлар банкини яратиш шартлари бўйича беллашишди.

Танловда Тошкент саноат коллежи ахборот-ресурс маркази жамоаси биринчи, Фарғона педагогика коллежи вакиллари иккинчи, Чуст педагогика ва Самарқанд молия-иқтисод коллежи ахборот-ресурс марказлари учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

## Тоғлар бағридаги нурхона

**Халқ хўжалиги ва аҳолининг электр энергиясига нисбатан ошиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш мақсадида яқин йиллар ичида юртимизда 147 та кичик ГЭС қурилиши режалаштирилган.**

Тоғлар оғушида жойлашган Ҳисорак сув омборида 170 миллион кубометр об-ҳаёт тўпланади. Бу ерда узунлиги 1072, диаметри 4 метргача туннел қазилган бўлиб, улар секундига 250 кубометргача сув чиқариш қувватига эга. Тўғоннинг баландлиги 140 метр.

— Ҳар қандай сув манбаи ҳам ГЭС қуриш имконини бермайди, — дейди Ҳисорак қурилиши дирекцияси бошлиғи, тажрибали мутахассис Турсун Муродов. — Айни пайтда ушбу иншоотда қурилиш-монтаж юмушлари жадал суръатда олиб борилаяпти.

Бош лойиҳа асосида «Ҳисорак сув иншоотлари қурилиши» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 4-механизациялашган кичик колонна ушбу қурилиш ишларини амалга ошираяпти.

Қурилажак ГЭСнинг машина залида Россия ва Украинадан келтирилган гидротурбина ва гидрогенераторлар ўрнатилган.

Янги нурхона 2009 йилнинг тўртинчи чорагида фойдаланишга топширилади.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири**

---

Тадбир

# Аёлларга хавфсиз меҳнат шароити

**Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, хавфсиз меҳнат маданиятининг юқори савияда бўлиши нафақат меҳнаткашларга, иш берувчилар ва давлатга ҳам катта фойда келтиради. Кўриладиган профилактик тадбирлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар олдини олиш билан бирга, ишлаб чиқаришни юритиш учун ҳам қулай.**

Бахтга қарши, буни ҳамма ҳам инобатга олмайди. Етарли меҳнат шароитлари яратилмаган корхоналарда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар натижасида ходимлар жароҳатланиши, касб касаллигига чалиниши ва ҳатто, инсонларнинг ҳалок бўлиши кишини қаттиқ ташвишга солади. Масалан, 2008 йилда Бухоро вилоят корхона ва ташкилотларида иш вақтида 11 бахтсиз ҳодиса содир бўлганлиги қайд этилган. Натижада 6 нафар киши вафот этган ва 5 киши оғир тан жароҳати олган.

Ана шундай бахтсиз ҳодисалар яқинда Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Аёлларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоялаш, ишловчи хотин-қизларнинг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимояси, уларга иш жойларида нормал, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратишни амалга ошириш» мавзуида ўтказилган ўқув-семинарда ҳам тилга олинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан келишилган «Аёллар қўлда юк кўтаришлари ва ташишлари бўйича йўл қўйиладиган чегаралари санитария нормалари»га асосан аниқ вазифалар кўриб чиқилди. Бунда аёлларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоялаш, ишловчи хотин-қизларнинг меҳнат муҳофазаси каби муҳим жиҳатларга эътиборни кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Айниқса, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги координатори Б.Юнусов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг етакчи мутахассиси Й.Едгоров ва бошқаларнинг мазкур масала юзасидан чиқишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

**Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

---

Хабар

**Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг турмуш тарзини янада юксалтириш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳам «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг иш режасига асосан Фарғона водийси қишлоқ таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагоглар бир ҳафта мобайнида ўз билим ва малакаларини оширдилар.**

# Кун тартибида

## бошланғич ташкилотлар

Ушбу тадбирнинг давоми сифатида тармоқ касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ролини ошириш ва тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган ўқув семинарлари бўлиб ўтди. Унда кенгаш раиси Э.Каримов ва бошқа сўзга чиққанлар фаолиятни такомиллаштириш, аъзоларнинг ижтимоий муҳофазаси, молиявий фаолиятини юритиш ҳамда Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг аҳамияти ҳақида ҳам тўлақонли тушунча бердилар.

Ҳозиргача Хўжаобод, Олтинкўл, Шаҳрихон, Қўрғонтепа Андижон туманларида шундай семинарлар ташкил қилинди.

**Ҳамидулло МАТИСАЕВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари**

---

Ташаббус

# «Ҳунарманд» музейи

**Республика «Ҳунарманд» уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси хайрли ишга қўл урди. Бошқарма қошида «Ҳунарманд» музейи ташкил этилди. Унда 50 нафардан зиёд ҳунарманднинг ижод намуналари намойишга қўйилган. Таниқли миниатюрачи мусаввир Баҳодир Бобоназаров, сандиқчи-бешикчи уста Машрабхон ая Каримова, пичоқчи Ҳабибулла Мамажонов, зардўз уста Маҳмуд Ҳожиев яратган ҳунармандлик маҳсулотлари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.**

— Вилоятдаги 300 га яқин ҳунарманд уюшмамиз аъзоси, — дейди «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Х.Жўраев. — Келажакда музейдан 200 дан зиёд ҳунарманднинг ижодий ишлари ўрин эгаллайди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

---

Пленум

## Ташкилий масала кўрилди

**Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси Тоҳир Назаржонов пенсияга чиқиши муносабати билан ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилди.**

Тошкент ахборот технологиялари университетининг молия ва иқтисод масалалари бўйича проректори лавозимида ишлаган Тўлқин Тешабоев Марказий кенгаш раиси этиб сайланди.

**Ўз мухбиримиз**

---



## «Мўътабар» маҳсулотлари

Тошлоқ туманидаги «Мўътабар» хусусий фермерлар кооперативи жамиятида тайёрланаётган сут маҳсулотлари харидорларга манзур бўлаётир.

Тадбиркор Абдулҳамид Норматов бошлиқ корхонада Голландия технологияси асосида кунига икки минг литр сут қайта ишланиб, олти турдаги пархез маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

*Суратда: ишчилар Салтанатхон Қорабоева ва Санобар Абдуллаева.*

**Муҳиммон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

---

## Самарқанд томонларда

**«Samarkand Agrominiteh EXPO 2009» ярмаркасида 40 га яқин компанияларнинг 200 дан зиёд ишлаб чиқариш техникалари намойиш этилди. Чет эллик ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан тақдим этилган замонавий ускуналар, мева ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари катта қизиқиш уйғотди.**

## Вақтни бой бермай

Тадбирда иштирок этган 800 га яқин фермер хўжалиги раҳбарлари ва тадбиркорлар бу имкониятдан унумли фойдаланиб, шу ернинг ўзида музокараларни бошлаб юборишди. Талабгорларга лизинг, банк ва консалтинг хизматлари кўрсатилди.

## Долзарб мавзуга бағишланди

**Президентимиз ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида иқтисодий бўҳрондан четлаб ўтиш тадбирларини кўрсатиб ўтди.**

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқандда ташкил этган ўқув-семинари ана шу мавзуга бағишланди. Мазкур тадбирда вилоят прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси, касаба уюшма фаоллари ҳамда иқтисодчи олимлар иштирок этди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

## Ҳаммаси келажак учун

**Алоқа ходимлари касаба уюшмаси ҳамда мутасаддилар соҳа ходимларига енгиллик яратиш мақсадида эътиборга лойиқ ишларни амалга оширмоқда.**

«Самарқанд телеком» филиали ўтган чоракда ходимларнинг институтларда таҳсил олаётган 6 нафар фарзандининг 2.657.600 сўмлик шартнома пулини тўлаб берди.

## Жамоа шартномаси асосида

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Самарқанд почтаси» филиали ходимларга етарли шароит яратишга ҳаракат қилмоқда. Ўтган йилнинг мартидан шу йилнинг мартигача 350 киши махсус кийим, 23 ходим пойабзал, 32 ходим хўжалик маиший воситалари билан таъминланган.

Жамоа шартномаси асосида ходимларнинг даромади кейинги икки йилда 144,2 фоиз оширилган.

**Нурулла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири**

**Самарқанд шаҳрида «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.**

# Мирзо Улуғбек ва жаҳон илм-фани



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз томонидан яратилган маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганиш, ўзлигимизни англаш ва намоён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқанд шаҳрида ўтган «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий конференция улуғ алломанинг илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганишга бағишланди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилди. Унда мамлакатимиз ва Франция, Италия, Россия, Туркия, Япония, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбойжон сингари хорижий давлатларнинг етакчи олимлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Халқаро анжуман иштирокчилари Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Расадхона ва Улуғбек музейи фаолияти билан танишдилар. Қадим Самарқанднинг Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Регистон сингари муаззам обидалари хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотди. Конференция қатнашчилари истиқлол йилларида Самарқанд шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.

Халқаро илмий конференцияни Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов очди. Тадбирда ўзбек халқининг бой давлатчилик тарихи, улкан илмий ва маданий мероси хусусида сўз юритилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2009 йилни «Халқаро астрономия йили» деб эълон қилгани, бу фан ривожида буюк ўзбек қомусий олими Мирзо Улуғбекнинг беназир ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳар бир халқнинг маънавий қиёфасини унинг тарихи, миллий салоҳияти, урф-одат ва анъаналари белгилайди. Бу борада юксак илмий мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлаган, Буюк ипак йўлидаги турли цивилизациялар туташадиган муҳим чорраҳа саналган қадим ва бетакрор юртимиз азалдан олиму уламолари, фозилу фузалолари, шоиру шуаролари билан довруқ қозонган. Она заминимизда туғилиб, камолга етган улуғ алломалар дунёвий ва диний илмлар тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Буюк боболаримиз тафаккури ва даҳоси маҳсули бўлмиш минглаб асарлар, тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид ноёб қўлёзмалар бизнинг бебаҳо маънавий бойлигимиздир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бундай бой меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Европада Ал-Фраганус номи билан машҳур бўлган Аҳмад Фарғоний, қомусий тафаккур соҳиби Абу Райҳон Беруний, медицина фанининг отаси саналган Абу Али ибн Сино, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан Маҳмуд Замахшарий, ўзида мингдан зиёд юлдузлар ҳаракатини жамлаган астрономик жадвал яратган Мирзо Улуғбек сингари дунё аҳлини ҳайратга солган улуғ мутафаккирларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бундай юксак ифтихор туйғуси бизни ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ сифатида ифтихор билан яшашга, аждодларга муносиб авлод бўлишга даъват этади.

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда, деб таъкидлайди Президентимиз. Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият масканлари, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг исми берилаяпти, деб айтсак, муболаға бўлмайди.

1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди халқаро миқёсда кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1994 йил "Улуғбек йили" деб эълон қилинди. Аллома юбилейи муносабати билан Франция пойтахти Париж шаҳрида — ЮНЕСКО қароргоҳида бўлиб ўтган халқаро форумда иштирок этган мамлакатимиз олимларининг илмий маърузалари дунё ҳамжамияти эътиборини тортди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Улуғбек илмий меросини ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аллома яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги китоблар, илмий мақолалар, бадиий асарлар ёзилмоқда. Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи", "Илму нужум. Астрология" асарлари нашр этилди.

Тарихчи олим А.Аҳмедовнинг "Ўрта асрларнинг буюк алломаси", "Улуғбек Муҳаммад Тарағай", "Мирзо Улуғбек ва унинг "Тарихи арба улус" асари ҳақида", У.Уватов ва Ф.Каримовнинг "Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида" китоблари нашрдан чиқди. Академик Б.Валихўжаевнинг «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари» рисоласи ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

«Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавиятининг пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади. «Зижи жадиди Кўрагоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани фикримизнинг яққол исботидир», деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида.

Буюк аллома яратган Самарқанд илмий мактаби фақат олий ўқув юртигина эмас, ўша даврнинг академияси эди. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олим фаолият юритган. Улуғбек Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абул Аббос Жавҳарий, Холид Марваррудий, Аҳмад Марвазий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний сингари боболаримизнинг илмий анъаналарини давом эттирди.

Шарқ мамлакатларидаги илмий анъаналарга кўра, фалакиёт соҳасида яратилган асарлар «Зиж» деб аталган ва улар асосан жадваллардан иборат бўлган. Улуғбек илмий меросининг гултожи - унинг «Зиж»идир. «Зижи Улуғбек», «Зижи жадиди Кўрагоний» номлари билан шуҳрат қозонган бу асар фалакиёт илмининг назарий ва амалий масалаларини қамраб олган дурдона асардир.

«Зиж» икки бўлимдан: кенг муқаддима ва 1018 собита юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат. Муқаддиманинг ўзи тўрт қисмни ташкил қилади. Биринчи қисм тақвим масалаларига бағишланган. Бундан ташқари, ушбу қисмда Туркий мучал йиллари ҳақидаги тушунча ҳам муфассал баён этилган.

Муқаддиманинг иккинчи қисми 22 бобдан иборат. У асосан математика ва сферик астрономия масалаларига бағишланган. Бу қисмда юлдузларнинг баландлиги ва улар ўртасидаги масофа, меридиан чизиғи, узунлик ва кенгликни ўлчаш йўллари кўрсатилган. Учинчи қисмда Қуёш ва Ойнинг ҳаракати баён қилинган. Қуёш ва Ой тутилишининг аниқ вақтлари ва уни аниқлашнинг ўтмишдаги ва Улуғбек давридаги йўллари кенг таҳлил қилинган. Олим қуёш ва ойнинг ҳаракатини тўғри ҳисоблаган ва бу ҳисоб-китоб ҳозирги ҳисоб-китобдан деярли фарқ қилмайди.

Улуғбек ҳисоби бўйича юлдуз йили 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сонияни ташкил этади. Бугунги кунда бир юлдуз йили 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сонияга тенг. Фарқ-1 дақиқа 2 сония, холос.

«Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, беихтиёр 1996 йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади, — деб ёзади Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида. — Ўшанда жаноб Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга қараб, йўқ жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим».

Дарҳақиқат, дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган Улуғбек «Зиж»и ўрта асрлардаёқ Осиё ва Европа мамлакатларига кенг кириб борган. Маълумотларга кўра, «Зиж»нинг юзга яқин форсий ва ўн бешдан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Европалик машҳур астроном олимлар уни лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилган, шарҳлар битган. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки математик асар бунчалик оммавий ва кенг маълум бўлмаган.

Конференцияда сўзга чиққан халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари, олимлар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, буюк аллома меросини ўрганишдаги ютуқлар ҳақида, Улуғбекнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси хусусида гапирдилар.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал қадимий Самарқанднинг инсоният цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамияти, Мирзо Улуғбекнинг дунё илм-фанига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритди. Улуғбек раҳнамолигида бунёд этилган расадхона ва мадрасалар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. У яратган илмий мактаб Хоразм Маъмун академияси анъаналарининг уйғун давомчиси сифатида улкан аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳам Самарқанд маданиятларо мулоқот ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга беқиёс ҳисса қўшмоқда. Президент Ислом Каримовнинг барқарор тараққиётни таъминлашга, жумладан, илм-фан, маданият, таълимни ривожлантиришга қаратилган сиёсати ўзининг юксак самараларини бермоқда. Юксак илмий салоҳият, сиёсий барқарорлик, ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор Ўзбекистон тараққиётининг бош омилларидандир. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилди. Улуғбек мактаби анъаналарини давом эттирадиган мазкур институт халқаро илмий алоқаларни янада ривожлантиришга, энг илғор фан ютуқларини тарғиб этишга хизмат қилади.

Париждаги Темурийлар жамияти асосчиси, профессор Фредерика Брессан Мирзо Улуғбекнинг илмий ва ижтимоий фаолиятига тўхталди. Мирзо Улуғбек буюк бобоси сингари мамлакатда тинчлик ўрнатди, юрт фаровонлигига алоҳида эътибор қаратди. Мадраса ва масжидлар, расадхона, кўприк ва йўллар қурдирди.

Хорижлик меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди. Самарқанд нафақат кўҳна, балки замонавий шаҳар, илм-фан ва саноат маркази сифатида ҳам қадимий анъаналарини давом эттирмоқда. Мамлакатдаги осойишталик, халқнинг фаровон турмуши, одамларнинг очиқ чеҳраси, эртанги кунга ишончи диққатга сазоворлиги қайд этилди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, профессор А.Аҳмедов, Астрономия институти директори Ш.Эгамбердиев ва бошқалар Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожида тутган ўрни, илмий меросини ўрганишнинг ютуқ ва истиқболлари, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодлар меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Халқаро конференцияда Мирзо Улуғбек даврида олий таълим, мадрасалар ва уларда ўқитиш тизими масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондлари ҳамда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети илмий кутубхонасида сақланаётган қадимги қўлёзмаларга қараганда, Самарқанд мадрасаларида математика, механика, астрономия, тиббиёт, фалсафа сингари дунёвий фанлар, шунингдек, диний фанлар кенг ўқитилган. Мирзо Улуғбек мадрасасида Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи сингари буюк алломалар дарс берган.

Конференция доирасида Улуғбек мадрасасида Ўзбекистонда таълим тарихига бағишланган кўргазма ташкил қилинди. Унда таълим тарихи, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даври, XIX-XX асрлардаги таълим ҳақидаги экспозициялар намойиш этилди. Бунда, айниқса, мамлакатимизда истиқлол йилларида таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга бағишланган стендлар катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман ўз ишини секция мажлисларида давом эттирди. Уларда Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг барча жиҳатлари, илмий меросини янада чуқур ўрганиш имкониятлари батафсил муҳокама қилинди.

Халқаро илмий конференциянинг очилишида Самарқанд вилояти ҳокими Ў.Барноев иштирок этди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

Ishonch 2009-yil 11-iyun № 68 (2637)

# Олтин ёз — ўтмоқда соз!



**Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб маданий тадбир ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги ва бошқа идора ҳамда ташкилотлар раҳбарлари, ҳомий ташкилотлар вакиллари иштирок этишиб, тарбияланувчиларни байрам билан қизғин табрикладилар.**

## Оромгоҳ қўйнида

Меҳрибонлик уйига вилоят ва шаҳар прокуратуралари томонидан «Форланд» маркали юк автомобили, замонавий телевизор ва DVD, тармоқ касаба уюшмаси кенгаши сигир, «Панда-саноат-савдо» МЧЖ муассаса ходимлари ва тарбияланувчиларга кийим-бош, ҳомий ташкилотлар юмшоқ ўйинчоқлар тортиқ қилдилар.

Пойтахтдан ташриф буюрган хушовоз хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар эса болажонларга завқ-шавқ бағишлади.

Тадбирдан сўнг 3 нафар тарбиячи раҳбарлигида тарбияланувчилар махсус автобусда Косонсой туманида жойлашган «Умид» болалар оромгоҳига жўнаб кетдилар. Уларни соғломлаштириш таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши маблағи ҳисобидан амалга оширилмоқда.

**Тоҳиржон МАЪМУРЖОНОВ,**
**таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши етакчи мутахассиси**

***Ёзги таътилда ўғил-қизларнинг наботот ва ҳайвонот дунёсига қизиқишини ошириш мақсадида Қашқадарё вилоятининг болалар оромгоҳларида зообурчаклар ташкил этилди.***

## Оромгоҳларда зообурчаклар

Шўртан газ-кимё мажмуаси тасарруфидаги «Лочин» дам олиш масканидаги зообурчакда бургут, лочин, товус, маржонтовуқ, ғоз, ўрдак, каклик, каптар, ангор эчкиси каби ҳайвонлар болаларда қизиқиш уйғотиши табиий.

— Бу ерда бир мавсумда 650 нафар, йил бўйи 2600 дан ортиқ бола ҳордиқ чиқаради, — дейди оромгоҳ бошлиғи Исмат Тўрақулов. — Дам олувчиларни табиат ва ҳайвонот олами билан таништиришда ташкилотчи тарбиячи Чамангул Жабборованинг хизмати катта бўлаяпти.

Шунингдек, Шаҳрисабз туманида жойлашган «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компаниясига қарашли Беруний номли оромгоҳнинг зообурчагида 30 жуфтдан ортиқ тўти, канарейка ва уларнинг полапонлари, товус, ғоз, ўрдак парвариш қилинаяпти.

— Бундан етти йил аввал ташкил этилган зообурчагимизда қуш ва ҳайвонлар кўпайтирилмоқда, — дейди тарбиячи Равшан Мирзаев. — «Ёш табиатшунос» тўгараги ҳам ишлаб турибди.

Орамгоҳ бошлиғи Лутфулла Каримовнинг таъкидлашича, келгусида бу ерда сақланадиган ёввойи ҳайвонлар ва қушлар сони янада кўпайтирилади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



## Ҳар бири — бир олам

**Болалар — келажагимиз эгалари. Уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Шу маънода ўқувчиларни ёзги соғломлаштириш юмушлари бу борада жиддий аҳамиятга эга.**

Таълим муассасаларида ишлаётган ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш асосий вазифамиз ҳисобланади. Ушбу мавсум «Бешбулоқ» оромгоҳида икки навбатда ташкил этилиб, жами 205 нафар ўғил-қизни кўнгилли дам олдириш режалаштирилган. Бирлашган касаба уюшма қўмитамиз ҳисобидан 80 нафар тармоқ ходимларининг фарзандларига мазкур оромгоҳга йўлланмалар берилди.

Бундан ташқари, ёзнинг илк кунидан 8-умумий ўрта таълим мактаби қошида 45 нафар, 14-мактабда эса 30 нафар ўқувчига мўлжалланган кундузги болалар оромгоҳлари иш бошлади.

**Х.БЕГИМҚУЛОВ,**
**Музработ туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**



# Оролбўйи ўқувчилари «Гулбаҳор»да

Тошкент темир йўл вокзали болаларнинг шодон қийқириқларига тўлган. Оролбўйидан пойтахтимиздаги «Гулбаҳор» оромгоҳида дам олиш учун келаётган 200 нафар дастлабки ўқувчилар гуруҳини кутиб олиш ана шундай кўтаринкиликка сабаб бўлди.

Ёзги мавсумни ота-онаси қучоғидан олисда, пойтахтда ўтказиш мақсадида келган ўқувчилар билан юзма-юз бўлар эканмиз, илк марта уйдан узоқлашган пайтларимиз ёдга тушади. Уларнинг қувончига шерик бўлиш ниятида айримларини суҳбатга тортамиз.

**Сухроб Мадаминов, Манғит шаҳридан, 4-синф ўқувчиси:**

— Бу йил таътилда илк маротаба дам олишга келишим. Ота-онам ҳар доим «яхши ўқисанг, Тошкентга олиб борамиз, маза қилиб айланамиз», дер эдилар. Шунинг учун тинимсиз ўқиб, дарсдан ташқари тўгаракларга ҳам қатнадим. Тошкент ҳақида фақат китобларда ўқиб, телевизорда кўрганман. Ана шу орзум амалга ошганидан бениҳоят хурсандман.

**Шоир Раджапов, Тўрткўл тумани, 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси:**

— Ўтган йили «Алгоритм»да дам олгандим. Оромгоҳда танишган дўстларим билан тушган суратларимни олиб келдим. Уларнинг манзилларини ёзиб олганман. Бу йил ҳам янги танишлар орттирмоқчиман.

**Умида Қаллабоева, Хўжайли тумани, 7-синф ўқувчиси:**

— Оиламизда 4 та фарзандмиз. Ота-онам нафақада. Ҳозир ҳаяжондаман. Имтиёзли йўлланма билан пойтахтда дам оламан деб ҳеч ҳам ўйламагандим.

**Зулфия Айтжонова, Нукус шаҳридаги 28-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:**

— 30 нафар ўқувчини мураббий сифатида олиб келдим. Болаларнинг қувончини айтмайсизми? Кела-келгунча, Тошкент, буюк шоир ва ёзувчилар, халқ севган санъаткорлар ҳақида сўраб келишди. Йўл олис бўлса-да, уларни зериктирмай келишга имкон қадар ҳаракат қилдик.



**Олмахон Маҳмудова, шифокор, Тошкент шаҳридан:**

— Тўрткўлдан жиянларим ва невараларимнинг дам олишга келаётганини эшитиб, кутиб олиш учун вокзалга чиқдим. Улар хурсандчилигининг чегараси йўқ. Болаларимизга шунча ғамхўрлик қилиб, шундай имкониятларни яратиб бераётган ҳукуматимизга ота-оналар номидан миннатдорлик билдираман.

Барча оромгоҳларда бўлгани каби «Гулбаҳор» дам олиш масканида ҳам болаларнинг мазмунли дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Моҳир қўллар, спорт тўгараклари, сузиш ҳавзаси, кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари улар ихтиёрида. Шунингдек, улар дам олиш жараёнида пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидаларини кўриб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконига ҳам эгалар.

Қорақалпоғистонлик болажонлар, шунингдек, мавсум давомида «Меҳржон», «Сокол», «Белдирсой», «Машъал», «Стрельцов», «Конструктор», «Ғунча», «Нурафшон», «Трамвайчи», «Алгоритм» каби сўлим оромгоҳларда мароқли дам оладилар.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Қиёфа, аслият ва самимият...



**Қиёфа.., аслият.., самимият. Айнан шу сўзлар замирида мужассам бўлган маънони таърифлаш бир қарашда жуда жўндек. Аслида бу шунчаки жўн тушунчалар эмас. Аксарият қиёфа деганда бир жуфт кўз, қош, қулоқ, оғиз ва бурундан иборат аъзоларни ўзида мужассам этган чеҳрани тушунади. Чунки инсонга мурожаат қилинганда дастлаб унинг қўлига, оёғига, белига эмас, айнан юзига, кўзига разм солинади ва ўша инсон ҳақида илк тасаввур пайдо бўлади. Кўз маълум маънода инсоннинг ботиний оламини акс эттирувчи аъзо ҳисобланади. Қадимда ҳам инсоннинг юзидаги аъзоларига ва тана тузилишига қараб унинг барча хусусиятларини таърифлаб берадиган зийрак донишмандлар бўлган. Халқимиз ранг кўр, ҳол сўр дея бежиз айтмаган. Бироқ биз, умуман, инсоний қиёфа ҳақида мулоҳаза юритишни мақсад қилганмиз.**

## Мангу хитоб

Асил инсоний қиёфанинг ўз ўлчови ва меъёрлари бор. Баъзан ҳатто кўпни кўрган тажрибали инсонлар ҳам айримларга нисбатан «қиёфасига ишониб алданиб қолдим-да» деб надомат чекишади. Ўша одамнинг аслиятидан бехабар эканликларидан афсусланадилар. Унда аслият нима? Ҳазрат Румийни ҳам «Ёки аслинг каби кўрин, ёки кўринганинг каби бўл» дея хитоб этишга мажбур этган бу тушунчани қандай изоҳлаш мумкин? Демак, зоҳирий қиёфа азалдан алдамчи бўлиб келган. Инсондек «устакор жонзот» ундан ниқоб сифатида фойдалангани боис, аслиятни англаш, уни тўлалигича кўриш мушкул бўлган. Аслият нима: у туғма бўладими ёки инсоннинг шаклланиш жараёнида юзага келадиган хусусиятми? Нима бўлганда ҳам одамнинг эътиқоди ва иймонига, хулқига боғлиқ тушунча эканлиги аниқ. Аммо кўриниши жуда гўзал ва юзидан нур ёғилиб турган ҳар қандай инсон ҳам эътиқодли, иймонли бўлмаслиги мумкин. Яна бир гап: инсоннинг палаги тоза бўлсин экан, деган гапларни кўп эшитамиз. Аслиятнинг қандай эканлиги одамнинг наслига ҳам боғлиқдир балки. Бироқ бу алоҳида мавзу. Жалолиддин Румий маснавийсидан келтирилган бир шарҳда, инсоннинг зоҳиридан ёғилиб турган «нур» алдамчи бўлиши ҳам мумкинлиги ботбот изоҳланган:

***Нур нури чашми худ нури дил аст,***
***Нури чашми аз нури дилҳо ҳосил аст.***

Таржимаси:

***Кўзда нурнинг нури дилнинг нуридир,***
***Нур, кўзнинг нури кўнгил кўридир.***

Дарҳақиқат, ахлатдан-ахлатга қўниб юрадиган пашшанинг қанотларидан ҳам ялтироқ нурлар таралиб туриши бор гап. Бу ҳақда ҳазрат Навоий ҳам зоҳирий ранг-туснинг қанчалик фирибгар эканлигини ушбу байтида ошкор этади:

***Ул чибинким, кўзга олтин янглиғ яшнар хилъати,***
***Кўпраги билким, нажосат узрадир ором анга.***

Демак, юзи ялтираб турган чиройли қиёфа соҳибларининг ҳаммаси ҳам яхши инсон бўлиб чиқавермайди. Бироқ кўнгил кўзда акс этишини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Самимият ҳақида гап кетганда «Инсон самимий бўлиши керак» деб бир-биримизга уқтиришни жуда хуш кўрамиз. Гўё ўзимизни самимий қилиб кўрсатишга интилаётгандек бўламиз. Бироқ бунга бирмунча ёлғон қўшаётганимизни ҳам сезиб турамиз. Ўзимиз умуман ёқтирмайдиган кишиларга ҳам баъзан илтифот кўрсатишга мажбур бўламиз, аниқроғи, агар ҳақиқий муносабатимизни юзага чиқарсак бироз ноқулайлик келиб чиқишини истамаймиз.

Демак, истасак-истамасак «ёлғон ва рост самимият билан яшаш малакаси»га аллақачон эга бўлганимизни инкор қилиб бўлмайди. Ҳатто, бу гапларга эътироз билдириб, «Йўқ, мен ҳамиша, ҳамма жойда бир хил самимийман», — дея ўзини таърифлашга интилаётган одам ҳам аслида кўпинча ёлғон самимиятдан фойдаланиб туришини жуда яхши билади. Инсонларга ёқиш ҳам бир санъат деб қарайдиганлар оз эмас. Самимий инсонларни ҳамма бир хил ёқтириши мумкинми? Самимиятга асил, табиий, рост хусусиятлар жамланмаси деб қарайдиган бўлсак, инсон самимиятида салбий жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин-ку. Биз одатда самимий инсон деганда яхши одамларни тасаввур қилишга ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, бор-буди билан самимият бу — самимият. Унда ёлғон бўлмайди, ҳатто ғазабланишимизда ҳам, қувонишимизда ҳам самимият бўлишига нима етсин. Хуллас, ўзимизни аввало ўзимиз англайлик, ўзимизга ўзимиз юракдан иқрор бўлиб баҳо берайлик, ҳақиқий самимиятни юзага чиқарайлик. Бу ҳам қўлимиздан келмаса, самимийлигимизча қолайлик. Қиёфада, аслиятда, самимиятда софлик бўлмас экан, ҳаммаси ёлғонга айланиб қолаверади. Ёлғонни эса ҳеч ким суймайди.

**Сайёра ШОДИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Олис манзил



Ич-ичидан хато қилаётганини англа(ма)ётган одам негадир на осмонни, на ерни кўриш мумкин бўлган Мақсадсиз нусхада димиқиб юраверишни хуш кўради?

Олис...

Йироқдаги нурга талпинишни мақсад қилган жажжи қалбнинг ИЗТИРОБга тушиши... ЎША оламнинг дарчасига етаман деганида бутунлай бошқа таассуротлар гирдобида ҳайқираётган соф товушнинг сўнгсиз кураши... ва армон аталмиш «гўша»нинг ялтоқланган суратига ҳиссиз боққанча КЎНИКИШга маҳкумлигини англаш...

НУСХАнинг «юксалаётган» палласида қиёфа табиатига ёт бўлган ўзини кўз-кўз қилишнинг ҳожати йўқлигини сезади. Аслият оғушида мунгли нигоҳ билан олис юлдуз висоли орзусида хомуш тортади. Қадрга шўнғиганча шов-шувли чиранишларнинг лаҳзалик умрини масхараомуз кузатавериб чарчайди. Ахир ИНСОН қани?..

Қиёфани йўқотиш, асилликка дахл этишнинг қанчалик даҳшатли эканини тасаввур қилишга уриниш шарт эмас. Буни аждодларимиз ҳар томонлама тадқиқ этган ва керакли (нисбият нуқтаи назаридан) хулосаларга ҳам келган. Тўрт тарафи қибла (имконият) бўлган махлуқ (одам)нинг малак ё ҳайвондан фарқли ўлароқ қиёфаси бор. Яна муҳим жиҳати шуки, қиёфани асрашдек масъулиятли вазифа ҳам айнан унинг зиммасида. Исён қилиб қонуният чегараларига сиғмай, Ўз оламига интиладими ёки итоат ила сабр дарахтининг соясида комилликка талпинадими — унинг тарбиясига, илмига, тафаккурига... Ўзига боғлиқ.

Аслида Моддият супургиси аслиятни, самимият аталмиш улуғ фазилатни сидираётгани бошқа масала. Негаки, бу кураш азалдан бор, бундан кейин ҳам бўлади. Лекин унга мағлуб бўлмаганлар бардош беришнинг йўллари мавжудлигини исботлашган... Сиз Навоий ва Шекспирдан, қадимги дунё мифларидан Румийгача ҳамда янги замон файласуфларини ўқинг. Ҳеч бўлмаса, уларнинг ҳаёт йўлига бир қур назар ташланг. Улар қиёфасининг асиллигини, дунёга, инсонга бўлган самимий муносабатини оловдан учқун қадар ҳис қиласиз. Балки бу фақат ижод билан боғлиқ ҳодисадир. Бироқ инсон ўзи ҳис қилмаган нарсани ёза олмаслигини эътиборга олсак, уйғоқ қиёфа қаршингизда акс этади. Демак, юқоридаги уч хусусиятни сақлаб қолиш мумкин. Фақат изтиробга тушган қалбимизни, руҳимизни кўникишга, мослашишга маҳкум этмаслигимиз керак. Бу осон эмас, МАНЗИЛ эса олис...

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Одамзот дарахтининг илдизи бўлган самимият ҳеч қандай шаклу шамойилга эга эмас. Дарахт ҳар фаслда яшилланади, қизғиш тусга киради, сарғаяди, баргу пўстлоғидан ажралиб ялонғоч бўлиб қолади, аммо унинг илдизи доимий ҳолатда туради. Инсон ҳам шундай. Болалик, ўсмирлик, ёшлик, кексалик пиллапояларида одам минг бора ўзгаради. Ҳаёт аталмиш синовларда тобланади. Қувончли дамларда, қайғули онларда унинг ички дунёсида минг хил эврилишлар юз беради аммо аслияти қандайдир зарраларда барибир сақланиб қолаверади. Инсон аслияти залворли тошдек мустаҳкам бўлсагина, кўпнинг орасида унинг қадри баланд, мартабаси улуғ бўлади.***

## Шаклсиз илдиз

Гоҳида кексаларимизнинг «...асли насли кимлардан» деган сўровини эшитиб қоламиз. Аждодлардан мерос аслият бора-бора авлодларни оҳанрабодек ўзига тортиб боришини бу кексалар яхши билишади-да!

* * *

Аслиятнинг акси эса қиёфа. Қиёфанинг турлари бисёр. У бир қарашда киши хулосасини чиппакка чиқариши ҳам мумкин. Алдамчи қиёфалар ҳаётда кўп учрайди. Шунинг учунг халқимизда «...одам оласи ичида» деган нақл бежиз айтилмаган. Ташқи кўриниш орқали, таассуфки, инсон ботинини билиб бўлмайди.

Шундай қиёфалар борки, кўрсанг кўзинг қувнайди. Аммо бу қиёфадаги кишининг бемеҳрлиги, хасислиги, ҳиссизлигини билгач, ундай қиёфадан бир зумда воз кечишга тайёр бўлиб қоласан. Яна шундай қиёфалар борки, бир кўрганингда беўхшовлигидан қайтиб қарамасам дейсану кейинчалик бу қиёфа ортида одамийлик, саховат, меҳр-муҳаббат борлигидан кўксинг қувончга тўлади.

Гоҳо ҳаётда қиёфадош инсонларни ҳам учратамиз. Бир хил юз, бир хил қош-кўз, бир хил шаклу шамойил. Улар эгизак ёки шунчаки тасодифий қиёфадош бўлиши мумкин. Хўш, шу ўринда ўзингиз айтинг-чи, уларнинг ички дунёси, ботиний олами бир хилмикан? Кўпинча баъзи ота-оналарнинг Фотимам Зуҳрадан меҳрли, Ҳасаним Хусанимдан кўра тортинчоқроқ деганига гувоҳ бўламиз. Бундан кўриниб турибдики, қиёфа тўғрисида турғун фикр билдириш қийин.

* * *

Аслият ва қиёфани уйғунлаштирувчи шундай бир кўприк борки, у самимиятдир. Самимият кўнгилда туғилади ва кўнгилларда яшайди. Шу ўринда самимият қиёфага таъсир қиладими деган савол туғилади. Самимийлик, бизнингча, кўзларгагина таъсир қилади, юзларга эмас. Самимиятда шундай куч борки, у ҳар бир кишини ўз ортидан эргаштиришга қодир. Дилдан айтилган ҳар қандай сўз дилдан жой олади.

**Орзугул РУСТАМОВА**

## Даврада — Жажман

***Деярли ҳар биримизнинг ҳамкасбларимиз, танишларимиз, ўртоқларимиз кўп. Аммо дилдан ошно тутинган дўстларни (эмикдошларни ҳам қўшиб) санаганда қўлларимизнинг бармоқлари ё тўлади-ё тўлмайди. Демак, қолганлар билан (улар ҳам биз билан) қайсидир манфаат асосида мулоқотда бўламиз. Шу ўринда дўстим айтиб берган воқеани тингланг.***

Бир йиғинда ўтириб қолдим. Даврабоши катта амалдор, ҳатто камдан-кам одамга насиб қиладиган кўкрак нишони ҳам бор эди. Табиийки, бу ерда йиғилганлар у ёки бу соҳада амалдорга бўйсунадиган мансаб соҳиби (ёхуд умидворлар) эди. Гапнинг индаллоси кетаётган, ҳамма эндигина мактабга келган ўқувчидай одоб сақлаб ўтирган бир пайтда даврабоши «лирик чекиниш» қилиб қолди. У такрорланавериб сийқаси чиқиб кетган эски бир латифани айтаётганди. Даврада жонланиш сезилди. Латифа тугаганда эса биров ичини ушлаб кулар, бири тиззасига шаппатлар, баъзиларнинг кўзидан ёш чиққан, хуллас, ҳамма бу «энг қизиқ» латифани энди эшитаётгандай эгилиб-букилиб, «қотиб» куларди. Ҳолбуки, даврабоши атайлаб унчалик «ейишли» бўлмаган «хўрак»ни жиддий гап кетаётган бир пайтда ўртага ташлаганди. У буни атайлаб қилганини латифани айтиб бўлгач, атрофидагиларга ишшайиб, нафрат билан қараётганидан сезиш мумкин эди.

Даврада энг кичиги эдим. Менга кўзи тушиб, аллақандай ачиниш ва меҳр аралаш тикилиб турди. Балки шу топда бирор мард ўрнидан туриб, нега бемаза латифа билан одамларнинг вақтини олаётганини айтса, ўрнидан туриб ўша шоввозни бағрига босармиди?.. Балки бағирлаётганда ўзи «кичик» бўлиб иштирок этган бундан-да катта давраларда «латифа» эшитавериб сохта кулгидан тиришган юз ажинлари ёзилиб, юрак чигиллари ечилармиди?..

Бу мингдан ёки миллиондан бир мисол холос. Бу воқеани эшитиб яқинда ўқиганим топишмоқнамо бир ҳикоя ёдимга тушди. Унда бозордаги тимда беркиниб олганча пайт пойлаб ҳадеб ёнғоқ (мияга ўхшайди...) ўғирлайдиган, кун сайин урчиб бораётган номаълум махлуқнинг бора-бора тимдан чиқиб бутун бозорни эгаллаб олаётгани ҳикоя қилинади. Муаллиф бу номаълум махлуқни Жажман деб атайди. Тушунишимча, жажман айнан қиёфасизликнинг ўзи экан. Энди сизга битта савол. Фақат ўзингизни алдашга уринманг. Чунки бунинг учун сизни ҳеч ким жазоламайди. Айтингчи, сиз қай даражада Жажман ва қай даражада Инсонсиз? Жавобини секингина виждонингизнинг қулоғига айтинг. Енгил тортасиз...

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**

Ishonch 2009-yil 11-iyun
№ 69 (2637)

# «Спортни ривожлантириш учун 500000 сўм, футбол клубига 500000 сўм...»

Бир сериал қаҳрамонлари мактабда ҳар куни нималаргадир пул йиғилишидан нолиб қолди. Беихтиёр «жуда оширворишмадими?» дея мулоҳаза қилдим. Жияним эндигина бошланғич синфга чиққанлигига қарамай, бу нарсаларни яхшигина тушуниб қолган шекилли, шоша-пиша эътироз билдирди: «Йўқ, опа. Ўзи шунақа, биздаям ҳар куни пул йиғишади: синф фондига, дарс тайёрлаш машғулотлари (продлёнка) учун устозга, мактаб тадбирларига, махсус қоровулларга...». «Ёш бола-да, ваҳима қилаверади» деган ўй кўнглимга келди-ю, «ҳа» деб қўя қолдим. Бу суҳбат эсимдан чиқар-чиқмас, таҳририятимизга Наманган вилояти Поп туманидаги 2-мактаб жамоаси (35 имзо) номидан хат келиб қолди. Шу мавзуга яқинроқ, фарқи энди пул тўловчилар ўқувчилар эмас, ўқитувчиларнинг ўзлари. Муаммо қуйидагича баён этилади:

«Икки ойдирки, халқ таълими бўлими болалар спорти, футбол ҳамда «Навбаҳор» жамоаси ривожи учун ҳамда айни шу жамоа тасвири туширилган календарларни сотиб олиш мақсадида пул ўтказишимизни талаб қилмоқда. Шунга кўра, январ ойида спортни ривожлантиришга 90 000 сўм, «Навбаҳор» жамоасига 90 000 сўм, календарлар учун эса 40 000 сўм тўладик. ХТБдагиларнинг маълумот беришича, бу иш вилоят ҳамда Поп тумани ҳокимларининг қарорига биноан амалга оширилаётган экан. Феврал ойида эса болалар спортини ривожлантириш учун 500 000 сўм, «Навбаҳор»га 500 000 сўм ўтказишимиз керак экан... Бу ҳақда қонунларимизда нима дейилган?".

Спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Келажагимиз бўлган болалар камолотига ҳисса қўшиш ҳар бир инсоннинг ватанпарварлик бурчи. Аммо барчаси қонун асосида бўлса, ҳеч ким норизо бўлмайди.

Ҳақиқий ҳолатни билиш мақсадида сафарга отландик.

Поп тумани адирликлари орасида жойлашган Уйғурсой қишлоғидамиз. Таъмирлаш жараёни кетаётгани туфайли ўқувчиларнинг бир қисми боғча, қолган қисми клуб биносида таълим олаётган экан. Шикоятда келтирилган масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида ўқитувчилар жамоасига юзландик:

**— «Навбаҳор» ФК учун, яна болалар спортини ривожлантиришга йиғилган маблағлар иш ҳақи ҳисобидан қопландими?**

— Ҳа. Январ ойи иш ҳақи ҳисобидан «Асакабанк» филиалига 30 январ куни календар учун 40 000, 16 февралда футбол клуби учун 90 000 сўм ўтказдик, — жавоб беради касаба уюшма қўмитаси раиси Ў.Юлдашева.


Поп Туман Халқ таълими
бўлими мудири
Б. Содиқовдан

Тушунтириш хати

Поп ТХТБ бўйича Наманган "Навбахор" футбол клуби учун ҳеч қандай маблағ йиғилмаган.

Б. Содиқов


ПАТТА № 021
«30» январь 2009 й
2-мактаб
40000

ПАТТА № 008
«16» феврал 2009 й
2 мактаб
90000

**— «ХТБдагиларнинг маълумот беришича, бу иш вилоят ҳамда Поп тумани ҳокимларининг қарорига биноан амалга оширилаётган экан», — дейилган эди хатда. Жамоа мазкур буйруқ нусхалари билан таништирилдими?**

— Туман халқ таълими бўлими мудирининг 14-буйруғи мактабларга жўнатилган эди...

Зарурий ҳужжатларни кўздан кечирамиз: тўлов патталари, ХТБ мудирининг юқорида келтирилган буйруғи... Бироқ буйруқда на футбол клуби учун йиғилажак маблағ ва на болалар спортини ривожлантиришга тўпланажак пул хусусида фикр юритилади. Энг қизиғи, 6 февралда чиқарилган бу буйруқ «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг 2009 йил жамиятга кириш ва аъзолик бадалларини йиғиш тўғрисида эди. Буйруқ мазмунида ўрганаётган масалаларимизга ҳеч қандай боғлиқлик топа олмагач, бизга мавҳум жиҳатни тушунтириб беришар, дея ХТБга йўл олдик.

Юқорида номи келтирилган буйруқ ижросини назорат қилиш зиммасига юклатилган мутахассис Р.Назировни топиш қийин бўлмади-ю, бироқ у киши бу масаланинг моҳиятини яхши билмаслигини ва асосий масъул Я.Бойбобоев эканини уқтирди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман вакили, жисмоний тарбия ишлари бўйича ХТБ услубчиси ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассисларнинг якдиллик билан эътироф этишича, ҳали туман миқёсида умуман бундай ҳолат кўзга ташланмаган, яъни «Навбаҳор» футбол командаси фаолияти билан боғлиқ ҳеч қандай пул йиғилмаган экан. Жисмоний тарбия ва спорт билан боғлиқ соҳада фақатгина «Ёшлик» ЖТСЖ ҳисоб рақамига ҳар бир мактабнинг ўзи пул ўтказар экан. Бироқ қўлимизда улар инкор этаётган ҳолатнинг аксини тасдиқлаб, тўлов патталари турарди. Шу ўринда ҳақиқатнинг юзига парда тортилгандек. Агар футбол жамоасига пул ўтказиш ҳақида ҳеч қандай кўрсатма мавжуд бўлмаса, нега мутасаддилар ўқитувчиларга «бу иш вилоят ҳамда Поп тумани ҳокимларининг қарорига биноан амалга оширилмоқда» мазмунида маълумот беришган экан? Берилган жавобнинг мужмаллиги ва мавҳумлиги бизни ХТБ мудири ҳузурига чорлайди.

«Мен иш бошлагандан бери бундай нарса бўлгани йўқ,— кескин эътироз билдиради Б.Содиқов. – Сиз айтаётган пул январ ойида йиғилган бўлса, бу ҳақда бирор нарса дейишим қийин. Чунки ўзим мартдан бошлаб ишлаяпман. Агар ҳужжат керак бўлса, ўринбосарим менинг номимдан тушунтириш хати ёзиб беради, мен муҳим йиғилишга шошиб турувдим, сингил».

6 февралдаги буйруқда бизга ҳозиргина «март ойларидан иш бошлаган»лигини таъкидлаган мудирнинг ўзи имзо чекканини эслатишни ният қилиб турганимизда, «ўринбосарим менинг номимдан тушунтириш хати ёзиб беради» деган сўзлари бутунлай ажаблантириб қўйди.

«Ёшлик» ЖТСЖ фаолияти, аъзоликнинг қай тартибда амалга оширилиши, бадалларига боғлиқ саволлар билан мурожаат этаётганимизда, бу ҳақда хабар топган вилоят ЖТСЖ кенгаши раиси Комилжон Ахунов дарҳол телефон орқали биз билан боғланди.

— Барча ўқитувчи ва ходимлар, ўқувчилар жамиятимиз аъзоси ҳисобланади. Йиғилган пулларнинг 25 фоизи мактабда, 25 фоизи туман кенгашида, 25 фоизи вилоят кенгашида, қолган 25 фоизи Ўзбекистон ЖТСЖ марказий кенгаши ҳисоб рақамига туширилади, — маълумот берди у.

— Футбол клуби билан боғлиқ масала ҳақида...

— Бу фикр мутлақо асоссиз. Мен сизга зудлик билан керакли ҳужжатларни етказиб бераман. Шунда ҳаммаси ойдинлашади.

Бу ҳолатларни кенгроқ таҳлил қилиш ва тугал хулосага келиш учун қонунларга юзланамиз.

Педагоглардан йиғилаётган бу пуллар, таъкидланганидек, иш ҳақи ҳисобидан қопланган. Хўш, қандай ҳолларда иш ҳақидан ушлаб қолинади? Меҳнат кодексининг 164-моддасига кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига биноан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар, **меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:**

*1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;*

*2) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;*

*3) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса, ёки ходим хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган авансининг ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибида ундирилади;*

*4) ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун.*

Меҳнат шартномаси қуйидаги асосларга кўра бекор қилинганда, ана шу кунлар учун **ҳақ ушлаб қолинмайди:**

*— ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилинганида (МК 89-моддасининг тўртинчи қисмига кўра);*

*— технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажми қисқарганида ёхуд корхона тугатилганда (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига кўра);*

*— ходимнинг малакаси етарли бўлмай қолганида ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлганида (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига кўра);*

*— ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда (МК 106-моддасининг 1-банди);*

*— шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда (МК 106-моддасининг 2-банди);*

*— ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда.*

*5) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;*

*6) мазкур кодекснинг 181-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида (меҳнат интизомини бузганлиги учун ходимга нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундириш) назарда тутилган жаримани ундириш учун.*

*Шунингдек, иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.*

ЖТСЖ мутасаддилари бевосита Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда шу соҳага дахлдор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таяниб иш кўришади.

Сўнгги ҳужжатда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг асосий манбалари белгилаб берилган, жумладан:

*давлат бюджети (республика ва маҳаллий бюджетлар) маблағлари;*

*жамғарма муассисларининг пул бадаллари;*

*Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, ташкилот ва клубларининг пул маблағлари;*

*хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтларнинг грантлари ва улар томонидан бериладиган беғараз ёрдам;*

*хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳам, норезидентлари ҳам бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалари ва ҳомийлик маблағлари;*

*жамғарма фаолиятидан, шунингдек жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида, у таъсис қилган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятидан олинадиган даромадлар;*

*қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар».*

*Ўзбекистон «Ёшлик» ЖТСЖнинг низомида аъзоликнинг ихтиёрийлиги ҳамда у аризага биноан бошланғич ташкилотнинг қарори билан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.*

Қизиқ, юқорида номи келтирилган ҳужжатларнинг ҳеч бирида таҳлил этилаётган воқеага боғлиқ банд учрамади.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# «Ситораи моҳи хоса»да даволанганмисиз?

**Мамлакатимизда бир-биридан сўлим, шифобахш санаторийлар кўп. Улар орасида «Ситораи моҳи хоса» исмига монанд — юлдузлар орасидаги ойга ўхшайди.**

**«Ситораи моҳи хоса» МЧЖ Бухорои шарифдан 4 километр шимолда, Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 метр баландликка, сўнгги амир қароргоҳидаги энг сўлим масканда жойлашган. Сиҳатгоҳ ўзига хос табиати, даволаш усули билан машҳур.**



Сиҳатгоҳда ҳавонинг ҳарорати баланд ва қуруқ. Ҳатто иссиқлик даражаси Бухоро шаҳрига нисбатан юқори, намлик анча паст. Бу ерда буйрак билан боғлиқ барча хасталиклар самарали даволанади. Чунки сув таркибида инсон саломатлиги учун фойдали бўлган 80 га яқин шифобахш минерал бор.

— Буйрак инсон организмидаги энг нозик аъзо. Шу боис у касалликка тез чалинади. Яратганнинг иноятини қарангки, бундан 35 йил аввал ер қаърида одам учун фойдали маъданли сув борлиги аниқланди, — дейди бош врач Абдулла Ҳакимов. — Шифобахш сув муолажалари буйракдаги майда тошлар, тузлар ва простата бези касалликларининг олдини олади. Маъданли сув муолажаси Железноводск, Ессентуки, Трускавец курортлари муолажасидан устун бўлса устундир, аммо кам эмас. Россия ва бошқа давлатлардан беморлар ёзда санаторийимизга бежиз келишмайди.

Дарҳақиқат, бу ерда маъданли сув, парафин, озокерит, балчиқ, турли усулдаги уқалаш, физиотерапия, шифобахш ўтлар билан даволаш, жисмоний тарбия муолажалари юксак савияда олиб борилади. Айниқса, санаторийнинг шифобахш ванналари жуда машҳур. Саломатлик учун ниҳоятда фойдали ванналарга икки минг метр чуқурликдан чиқувчи минерал сув қуйилади. Сув буйракдан ташқари тери билан боғлиқ ҳамда руҳий касалликларни даволашда ҳам қўлланади.

Мазкур даволаш ва дам олиш масканида бошқа санаторийларда бўлгани каби даволаниш ёки овқатланиш учун узоқ масофа босиб ўтилмайди. Негаки, даволаниш, овқатланиш хоналари ҳам, турар жой ҳам бир-бирига туташ жойлашган. Фақат минерал сув ичиш, қуёш нури ёки сояда ётиб даволаниш ҳамда очиқ ҳавода сайр этиш учун асосий бинодан ташқарига чиқиш мумкин.

Бу каби қулайликлар даволанишга келган ҳар бир киши саломатлигига ижобий таъсир қилади. Айниқса, қишда даволанадиган беморларга жуда қулай.

### Бунда ари келтиради бол

Санаторий қабулхонасидаёқ мижозлар хушмуомалалик билан кутиб олинади.

Санаторийнинг ташқи ва ички кўриниши ҳам кишига завқ бағишлайди. Барча қаватлар дид билан безатилган. Оёқ остида ял-ял ёниб турган гиламлар, катта тувакларда гуллар, диван ва креслолар кишига хуш кайфият бағишлайди.

Эгнидаги оппоқ халати ярашиб турган дилкаш шифокор ва ҳамширалар санаторий шуҳратига шуҳрат қўшмоқда. Абдурасул Ҳайитов, Ҳайитгул Қурбонова, Насиба Азимова, Шукуржон Рўзиева, Рухсат Адизова, Ҳикмат Сафоев сингари фидойилар «Ситораи Моҳи Хоса»да дам олувчиларнинг ҳурматига сазовор бўлган.

Даволаш самарадорлигини ошириш учун янги тиббий асбоб- ускуналар келтиришга алоҳида эътибор берилади. Камёб «Андрогин», «Мустанг-028» каби ускуналар кўплаб хасталикларни даволашда қўл келмоқда. Шунингдек, маскан ошқозон-ичак, таянч системаси органлари, бепуштлик, гипертония, қандли диабет касалликларини даволашга ҳам ихтисослашган. 45 та даволаш усулидан фойдаланилади. Масалан, аэротерапия — қуёш нури билан очиқ ҳавода ётқизиб даволаш; телеотерапия — сояда ярим соатдан икки соатгача ётқизиб даволаш; тарвуз истеъмол қилдириш йўли билан даволаш ҳамда ёғи олинган овқатлар едириш орқали даволаш. Парҳез таомлар шифо истаб келганларнинг дарддан тезроқ халос бўлишига ёрдам беради. Бундай ўзига хос усуллар йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани одамларнинг ишончини ошириб, мижозлар сонини кўпайтирмоқда.

— Ўтган йили йўлланмалар сотиш 186 фоиз, куни қисқа йўлланмалар бўйича хизмат кўрсатиш 167,5 фоизга бажарилди, — дейди А.Ҳакимов. — 2009 йилнинг биринчи чорагида эса 341 та йўланма ва 612 та куни қисқа йўлланмалар орқали мижозларга намунали тиббий хизмат кўрсатилди.

### «Ҳар не истарсан, ўзингдан истагил...»

Сиҳатгоҳга Абдулла Ҳакимов узоқ йиллардан бери раҳбарлик қилади. У бошлиқ бўлиб иш бошлаганда аҳвол жуда ачинарли эди. Шу боис ўзи ҳам тинмади, атрофидагиларга ҳам тинчлик бермади. Елди-югурди, масъул идораларни, керак пайтда таниш-билиш, ошна-оғайниларни ҳам савоб ишга жалб қилди. Ҳаракатларининг самараси ўлароқ Бухоронинг фахри, Ўзбекистоннинг энг шифобахш масканларидан бири бўлган бу санаторий ойдин йўлга чиқиб олди.



Абдулла ака табиатан одамохун: қай ишга қўл урса, аввал халқни ўйлайди. Қаерда ишласа бир яхшиликка сабаб бўлади. Маънан етук одамларга хос мулоҳаза ва тавозеъ билан сўзлайди. Одам танламайди. Қўл остидагиларга бирор марта танбеҳ бермаса-да, бари ҳурмат қилганидан кўрсатмаларини рисоладагидек бажаради. Иши қанчалик кўп бўлмасин, дам олишга келганларни аввало ўзи қабул қилади. Дардини эшитади, кўнглини кўтаради. Бу унга аждодларидан мерос.

Унинг болалиги Шофирконнинг Тезгузар қишлоғида ўтган. Ибн Синога ворис бўлишни орзу қилиб Самарқанд тиббиёт институтида ўқиган.

— Бу соҳага меҳр қўйишимга раҳматли поччам Араб Мўмин, Марифа опам ҳамда Абдумалик акам сабаб бўлган, — дейди Абдулла ака.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига раҳбарлик қилган йиллари чекка қишлоқларда, овул ва яйловларда ҳам тиббий пунктлар очилишига бош бўлди.

— «Ҳар бир одам ўзига хос олам. Оллоҳ одам кўнглини ўзига макон этган. Дилни оғритмоқ эса Маккани вайрон қилиш билан баробар. Шу боис одамлар қалбига озор берма. Уларнинг кўзларига боқиб дардини кўра бил. Ўз ҳаловатингни ўйлаб, бировникини ўғирлаш адолатдан эмас», — дер эди раҳматли Абдумалик акам, — хотирлайди Абдулла ака. — Мен фаолиятимда ҳамиша Суқротнинг «Қалбни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди» деган гапига амал қиламан.

Абдулла аканинг қалбида, гап-сўзларида, ҳатто маънавиятида ҳам Бухоро тимсоли яшайди. Гўё бу одам шариф шаҳар билан маънавият ва маърифатда уйғунлашиб кетгандек. Толиққанда руҳий қувват олиш учун Минораи калон, Чорминор, маҳобатли Аркка боради, Ситораи моҳи хоса, Мирараб, Девонбеги тарихий ёдгорликлари, Лабиҳовузнинг нур билан ўйнашган сувига боқиб чарчоғини ёзади. Улуғ авлиёлар зиёратидан кўнгли янада равшан тортади. Баъзан қўлига қалам олиб, дардларини нозик сатрларда ифода этади:

*Издошларим борки, номим ўчмайди,*
*Яшайман ҳар қалбда бир чироқ бўлиб.*

Фарзандлари, шогирдлару беморларига ёзган шеъларида халқ ишига садоқат, ватан меҳри уфуриб турса, раҳматли умр йўлдоши Раънохонимга бағишлаганларида оиланинг муқаддаслиги, севги-вафо йўлининг боқийлиги, умрнинг ўткинчилиги, эзгулик қаламга олинади. «Тетик, бақувват одам табиатнинг энг буюк асаридир» деган ҳикмат унинг тилидан тушмайди.

«Ситораи моҳи хоса» бош врачи Абдулла ака Раъно опа билан уч ўғил, икки қизни вояга етказди. Ўн уч набира ҳам бобоси изидан бориб, элга нафи тегадиган бўлиб улғаймоқда.

### Яхшилик яхшиликдан қувват олади

Изҳор этилаётган беғубор тилаклар, сон-саноқсиз миннатдорчилик мактублари, таклиф ва мулоҳазалар китобидаги сўзлар жамоа аъзоларининг машаққатли меҳнатига берилаётган юксак баҳодир.



**Мусаллам Жумаева (Шофиркон тумани Саврак қишлоғи):**

— Иссиқ жоннинг иситмаси бор деганларидек, ўзим шифокор бўлишимга қарамай ўн йилча олдин оғир дардга чалиндим. Анча харажат қилиб, йирик шаҳарлардаги шифохона ва санаторийларда даволандим. «Чинобод»да дардимга шифо топгандай бўлдим. Аммо ҳар йили рўзғордан ортгириб Тошкентга бориб даволаниб бўлмайди. Халқимизда «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деган гап бор. Ўзимизнинг санаторийда ҳам бу хасталикни даволаса бўларкан. Ишониб-ишонмай боргандим. Мана, соғ-саломат юрибман. Ҳар икки йилда бир даволанаман. Шароит пойтахтдагидан қолишмайди.

**Н.Мўминов, педагог (Самарқанд вилояти Нарпай тумани):**

— Буйрагим санчиб оғриганда кўзимга дунё тор бўлиб кетарди. Шифо истаб бормаган жойим қолмади ҳисоб. Шундай кунларнинг бирида нарпайлик ҳамкасбимнинг газетага чиққан миннатдорчилик хатини ўқиб қолдим. Унда буйрак касалидан фориғ бўлишида кўмак берган «Ситораи моҳи хоса» санаторийси шифокорларига ташаккур билдирилган экан. Уйига бордим. Санаторий ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим. Эртасигаёқ у мени санаторийга олиб борди. Шундан бери бу сиҳатгоҳнинг мижозиман. Бош шифокордан тортиб оддий ходимгача беморларнинг кўнглига қарайди. Улардан миннатдорман.

**Владимир РАЧКО (Беларус):**

— Соғлиқ йўқ жойда ҳаловат ҳам йўқ. Илгари Сочи, Ессентуки, Трускавец, Кисловодскдаги санаторийларда даволанганман. Лекин буйрак касалига шу ерда даво топдим. Беш-олти йилдан ошди, ҳар ёзда Бухорода дам олаяпман. Бу йил дўстларим ва оилам билан бирга келдим.

Санаторий касаба уюшма ташкилоти эса ходимлар манфаатининг устувор ҳимоячисига айланган. Ҳамкорликда имзоланган шартномага асосан кам таъминланган, кўп болали оилаларга, нафақахўр ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Жумладан, бу йил ўндан ортиқ нуроний сиҳатгоҳ ҳисобидан соғломлаштирилди. Ўтган йили 27 нафар ёш ходим шундай имтиёздан фойдаланди. Сиҳатгоҳ яқинида яшовчи кам таъминланган оила фарзандларидан 20 нафарига бепул амбулатор хизмати кўрсатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Халқимизда минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган мақол бор. Мириқиб дам олиб даволанаман, яна қадимий ва навқирон шаҳарни томоша қиламан десангиз, «Ситораи моҳи хоса»га бир келинг, шунда юлдузлар орасида турган тўлин ойни ўзингиз кўрасиз! (h)

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**



# Қулупнай

***Қулупнай шифобахш неъмат ҳисобланади. Унинг 2 мингдан ортиқ нави мавжуд. Биринчи марта қулупнай боғи 18-асрда Нидерландияда барпо этилган.***

***Қулупнай Р,С, фолий кислотаси, маъданлар — калий, калций, магний, натрий, олтингугурт, фосфор, темир, мис, фтор, рух, ванадий, кобалт, хром, қанд (глюкоза, фруктоза, сахароза), пектин моддаларига бой.***

Халқ табобатида қулупнай шираси, барги, илдизи қўлланади. Шуниси қизиқки, мевасидан кўра баргида аскорбин кислотаси 5 баробар кўп. Баргидан тайёрланган дамлама оғиздан нохуш ҳид келганда, томоқ ёки юқори нафас йўлларидаги бадбўй ҳидни йўқотишда қўлланади. Шунингдек, бу дамлама экзема, йирингли ва битиши қийин яраларда, тери қичимасида ҳам малҳам бўлади. Тибет табобатида қулупнай меваси қаришнинг олдини олишда, ёшартиришда, умрни узайтиришда тавсия этилган. Болгар табобатида қулупнай илдизи ва баргининг қайнатмаси буйракдаги қум ва тошга қарши буюрилган. Шу билан бирга, тош ҳосил бўлишининг олдини олишда ишончли восита сифатида қўлланган.

Қулупнай меваси ва барги қуйидаги хасталикларда тавсия этилади:

Витамин етишмовчилиги (авитаминоз). Бунда 1 қошиқ қуритиб майдаланган қулупнай барги 200 мл. қайноқ сувда 2 соат дамланади. 100 мл. дан таомдан олдин ичилади.

**Аллергия.** 1 ош қошиқ қулупнай барги 200 мл. қайноқ сувда 30 дақиқа дамланади. Дока орқали сузилади. 1/3 стакандан ҳар куни 3 марта таомдан олдин ичилади.

**Гастрит, колит.** 400 мл. қайнатиб совутилган сувга 1 ош қошиқ майдаланган қулупнай барги солинади, 8 соат дамланади. 1/2 стакандан 3 марта ичилади.

**Гижжа.** Наҳорга 3 кг. қулупнай меваси селёдка балиғи ва пиёз билан тановул қилинади. Бу солитер, юмалоқ гижжаларга қирон келтиради.

**Грипп.** Қулупнай барги чойдек дамланади. Унга таъбга кўра асал ва лимон қўшилади. Кунига 3 марта 1 стакандан ичилади.

**Камқонлик, подагра, ўт-тош хасталиги.** 2 ош қошиқ қулупнай данагини 1 стакан қайноқ сувга солиб, 30 дақиқа дамланади. Уни кунига данаги билан бирга 3 марта тановул қилинади.

Қон босими юқори бўлганида кунига 1 стакандан қулупнайнинг янги данагини тановул қилиш тавсия этилади.

**Қандли диабет.** Ҳар куни 1/2 стакандан қулупнай шарбати ичилади.

**Юрак астмаси.** Бўғилиш, нафас қисишда қулупнай баргидан 1 қошиқ олиб, 2 стакан сув қўшилади. Ҳил-ҳил пишгунча қайнатилади. Сўнгра ҳар 2 соатда 1 ош қошиқдан ичилади.

**Бавосил**. 1 ош қошиқ қулупнай баргига 1 стакан қайноқ сув қуйилади, 20 дақиқа дамланади. Сузилади. Сўнгра клизма қилинади.

**Тиш кариеси.** Қулупнай мевасининг янги шираси билан ҳар куни оғиз чайилади. Бунда тиш кариесдан сақланади.

**Яралар.** 1 ош қошиқ қулупнай барги 1 стакан қайноқ сувда 5 дақиқа қайнатилади. 2 соат дамланади. Сузилади. Сўнгра яралар ювилади.

**Қуруқшаган тери.** 250 гр. қулупнай меваси, 1/2 чой қошиқ сода, 5-10 томчи спирт, 1/4 стакан сут обдон аралаштирилади. Ҳосил бўлган масса терига суртилади ва 15 дақиқадан кейин илиқ сув билан ювиб ташланади.

**Экзема**. Қулупнай данаги майдаланади, озорланган жойга суртиб, бинт билан ўралади. Бундай муолажа 4 кун давомида қилинади.

Кези келганида қайд этиш керакки, инсон танаси ўта мураккаб тузилган. Бир кишига фойда қилган гиёҳ бошқасига фойда қилмаслиги мумкин. Шу боис газетада чоп этилган ҳар бир гиёҳни қўллашдан олдин шифокор маслаҳатига амал қилиш керак.

**Эслатма:** *қулупнайни аллергияси бор кишилар ва ҳомиладор аёллар истеъмол қилмагани маъқул.*

***«Бир кишилик овқат икки кишига, икки кишилик овқат тўрт кишига етади».***

**ҲАДИС.**

Овқатланиш — ҳаёт лаззати. Аммо бунда ҳар бир киши эҳтиёжига қараб, меъёрида, сифатли таом ейиши керак. Қадимий китобларда: «Ошқозон касалликлар уйидир, парҳезли овқатланиш барча даволар асоси», — дейилади. Таом меъдада ҳазм бўлар экан, уни зўриқтирмаслик, меъёридан ортиқ овқат билан тўлдириб фаолиятини бузмаслик керак. Зеро, одам фақат овқат ейиш учун яшамайди.

Эътиборингизга табибларнинг таом ейиш борасидаги одоб-ахлоқ қоидаларини ҳавола этамиз. Риоя этмоқ ўзингизга боғлиқ.

Луқмони ҳаким ўғлига насиҳат тариқасида қуйидагиларни буюрди:

Билиб қўйган яхши

# Ошқозон қоп эмас...



— Кам гапириш, кам ухлаш ва кам ейишни ўзингга одат қилки, бундан саломатлигинг доимо барқарор бўлади. Ақлли кишилар ҳакимлар айтган сўздан чиқмасликлари керак. Бинобарин, ойда икки марта қайт қилиш, ҳафтада уч марта ҳаммомга бориш, бошу танани ширин иссиқ сув билан ювиш, икки кунда уч марта таом ейиш керак, бунда ҳар ўн олти соатда бир марта овқатланилади. Бу Жолинуснинг кўрсатмасидир.

Баҳорда қуруқ-совуқ мижозли овқат ва шарбат, ёз ва кузда ҳўл-совуқ овқат ва шарбат тановул қилинади. Қишда эса қуруқ-совуқ овқат ва шарбатга майл қилмоқ лозим. Шунда кишининг саломатлигида нуқсон бўлмайди. Ўзга бир ҳикмат шундайки, кимки бир нарсага одат қилган бўлса, бирданига ўша одатни ташламаслиги керак, иложи борича киши ўзини фақат бир хил овқат ейишга ўргатмаслиги лозим, токи ўша ейдиган овқати тасодифан йўқ бўлиб қолса, ожиз қолмасин ва ранжиш бўлмасин.

Меъда саломатлигини сақлаш иссиқ, совуқ, қуруқ ва ҳўлликда мўътадил бўлган овқатларни истеъмол қилишга боғлиқ. Овқат орасида сув ичмаслик лозим. Иссиқ ва совуқ ҳавода шу ҳавога мос мўътадил овқатларни ихтиёр қилиш керак. Иштаҳа келгандагина овқат ейиш керак. Меъда бузилиб бўкиш ҳосил бўлмаслиги учун овқат еётган пайтда ҳали ейишга озгина иштиёқ қолганда ейишни тўхтатиш зарур.

*Агар таом чексиз лазиз бўлса ҳам*
*Кўп емагин, келтиради дарду ғам.*

**Абу Али ибн Сино**

***

*Сиҳат тиласанг кўп ема,*
*Иззат тиласанг кўп дема.*

**Алишер Навоий**

***

*Кимки кўп ейишдан сақланса, кўп дори ичишдан озод бўлади.*

**Луқмони Ҳаким**

***

Овқат ейишнинг меъёри ва чегараси бор. Ошқозон қоп эмас, унга тиқаверма. Бўкиб емоқ — соғлиқни тўкиб емоқ.

**Ҳаким Абдулмажид Саноий**

***Бодринг бир йиллик ўсимлик бўлиб, ошқовоқлилар оиласига мансуб. Унинг истеъмол қилина бошланганига олти минг йилдан ошган; ватани шимоли-шарқий Ҳиндистондир.***

***Тарвуз ва қовун пишганида ширин, бодринг эса хомлигида мазалидир. Аммо пишиб ўтиб кетган бодринг ҳам шифо ўрнида тавсия этилади. Пишган бодринг ва палакларнинг қайнатмаси жигар хасталигида яхши наф беради.***

# Бодринг хосияти



Бодрингнинг 95-98 фоизи сувдан иборат. Сув бўлганда ҳам оддий сув эмас, табиат томонидан дистилланган мусаффо тирик сув. Инсон умрини узайтириш бўйича мутахассис олим Пол Брег илмий изланишларида атроф-муҳит ифлосланиб бораётган ҳозирги замонда дистилланган сувнинг мислсиз аҳамияти ҳақида ёзади. Агар одам мудом қаттиқ, крандан оқадиган сув истеъмол қилса, қон томирларининг деворида ноорганик моддалар тўпланиб, тиқилмалар ҳосил бўлади. Худди шу ўринда бодрингнинг фойдаси жуда билинади. Бодринг табиий пешоб ҳайдовчи воситадир. Унинг шираси танадан сийдик кислотасини ҳайдаб чиқариб, айни вақтда бўғин ва бод касалликларини даволайди. Бодринг, сабзи ва лавлаги (қизилча) ширасининг аралашмаси ўт пуфаги, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларни тозаловчи омил бўлиш билан бирга уларга шифо бағишлайди.

Таркибидаги пектинлар ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Холестеринни танадан ҳайдаб чиқаради. Бодрингда калий, кремний каби моддаларнинг борлиги тери, соч, тишларни соғлом ҳолатда сақлайди. Касалликларнинг олдини олишда аҳамияти беқиёсдир. Бодрингда енгил ҳазм қилинадиган йод ҳам мавжуд. Бодринг кўп истеъмол қилинса, қалқонсимон без касалликларининг олдини олади.

Шуниси қизиқки, ҳатто унинг гуллари ҳам шифо. Бодринг гуллари қайнатмаси безгакни даволашда қўлланади.

Гарчи бодрингда дармондорилар кўп бўлмаса-да, таом ҳазм қилишда, айниқса оқсилли таомларнинг ҳазмини яхшилашда нафи кўп. Гўштли таомлар бодрингли салатлар билан дастурхонга тортилишининг сабаби ҳам шунда.

Бодрингнинг таркибида карбон сувлар, оқсил, темир, фосфор, каротин, $B_1$, С витамини ва бошқа моддалар кўп. Шулар туфайли бир қатор хасталикларни даволашда фойдали ҳисобланади. Бодринг иштаҳани очади, ёғ ва оқсилларнинг сўрилишига ёрдам беради. У сурги дори сифатида ҳам ишлатилади. Айниқса, сурункали қабзиятда кони фойда.

Халқ табобатида бодрингнинг янги шираси асабни тинчлантирувчи, ошқозон-ичак хуружида оғриқ қолдирувчи восита ҳисобланади. Унинг шираси тоза асалга аралаштириб 3 қошиқдан 3 маҳал истеъмол қилинса, юқори нафас йўллари шамоллаши ва йўталга даводир. Майдаланган бодринг терининг куйган жойига қўйилса малҳам бўлади.

Шираси ва сувдаги дамламаси (кўкиш қобиғи билан) юздаги баъзи пигментсимон доғларни кетказишда қўлланади. Юзни оқартириш ва тозалашда ишлатилади.

Ёғли терида бодрингнинг спирт билан омухта қилинган янги шираси тавсия этилади. Бунинг учун 200 мл. бодринг шираси 200 мл. 40 фоизли спиртга ёкиароққа қўшилади ва 15 кун сақланади. Сўнг докада сузилади. Бу аралашма узоқ сақлашга яроқли бўлади ҳамда хусусиятини йўқотмайди.

Баъзи кишиларнинг териси қуруқшаб қолади. Бунда юқоридаги аралашмани тенг миқдордаги қайноқ сувга қўшиб, унга 1 чой қошиқ глицерин омухта қилиниб, тайёр бўлгач терига суртилади.

Юз терисини яхши сақлаш учун агар у ёғли бўлса, бодринг ва олмани қирғичдан ўтказиб, ниқоб сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Бодринг шираси, майдаланган уруғи ва гуруч уни аралашмаси хушрўйликда ажойиб суртма бўлади. Буни биздан кўра уй бекалари яхшироқ билишади.

**Саҳифани доришунос Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.**

# Тақдир рақамингизни биласизми?



(Охири. Боши 63-сонда.)

Бундай болаларга ўз вақтида тўғри тарбия берилмаса, ҳаётда кўп қоқилиши мумкин. Шунинг учун уларга одамлар ва ўзига тегишли нарсаларни қадрлашни, дўстга содиқ, илмда саботли бўлишни ўргатишингиз шарт. Ўшанда бир кун келиб ажойиб истеъдоди ва меҳри билан ўзига ва сизга ҳайкал қўйиши мумкин.

**Олтинчи рақам.** Олтибойларга ҳаммадан ҳам кўп эътибор ва меҳр керак, айниқса, улар оилада ёлғиз фарзанд бўлса. Улар уйда ўзининг ҳокимлигини ҳис қилиб улгурса, дилини зинҳор оғритмаслик лозим. Бундай болалар ҳамиша кимгадир ғамхўрлик қилишни, буйруқ беришни, тенгдошлари даврасида ўзини энг устун санаб ўйнашни истайдилар. Бошқа болакайлардан фарқли ўжар, инжиқ, баъзи ҳолларда ёқимтой бўлишади. Бу феъл-атвори билан сизни хафа қилиб қўйиши мумкин. Аммо дилингиз ранжиганини сезиши билан кўнглингизни олишга уринади.

Одатда, ҳаётда олтинчилар ҳамиша муваффақият қозонадилар. Доим бошқалар олдидаги масъулиятини тўла ҳис қилишади. Ота-она боласини ҳис-туйғуга берилиб кетмасликка ўргатиб бориши керак. Олтибойлар ўта сезгирлиги билан ўзига қаратилган танқидни ҳис қилиб, буни ўзининг кичик оламига хавф солиш деб тушунадилар.

Атрофдагиларни мафтун қила олиш бундай болаларга хос. Буни асло ман этманг. Ҳамиша хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватланг. Ўзига ишончини оширинг. Унинг бир меҳрига ўн меҳр билан жавоб қайтаринг. Шунда унинг порлоқ келажагига тамал тоши қўйган бўласиз. Хонадонингиздан эса меҳр-оқибат аримайди.

**Еттинчи рақамли** болалар ўзига хос ва бетакрор характерга эга. Одатда, мўмин-қобил бўлишади. Борди-ю шўх ва тўполончи бўлса, сизга сабр тилаймиз. Бундай болалар ҳаддан ташқари ювошлиги ва шўхлиги билан сизни кўп ташвишга солиши тайин. Аммо улар ўзига нима ёқиб, нима ёқмаслигини тезда билиб, ҳаммани ҳайратга солади.

Ўжар еттинчи билан тил топиша олсангиз, сизга шундай қувончли ва унутилмас онларни ҳадя этадики, мазза қиласиз. Улар сизни маъюс, тушкун кайфиятда кўрса, ҳатто тили чиқмаган бўлса ҳам хотиржам қилишга интилади. Ана шу фазилати билан оилага осойишталик бағишлаб, катта-кичик болаларга ижобий таъсир кўрсатади.

Боланинг характерини сунъий равишда ўзгартирмоқчи бўлсангиз, қаттиқ янглишасиз, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини сақлаб қолади. Энг муҳими, унга озор берсангиз, кўнглини олишингиз осон бўлмайди. Маслаҳатимиз, уни меҳр билан ўзингизга қаратиб олинг.

Еттинчилар турмуш тарзининг бузилишига тоқат қилолмайдилар. Улар кун тартибига қатъий риоя қилган ҳолда овқатланиб, дам олиши, ўйнаши зарур. Акс ҳолда ўзини камситилган ҳисоблайди. Фарзандингиз жисмонан кучли бўлмаса-да, унинг кучи — ақлу тафаккурида. Шу боис улар жуда синчков ва ҳиссиётли. Аммо буни яширишда устаси фаранг. Улар камгап, аммо топиб гапирадилар. Бундай бола ижодкорликка мойил. Ундаги истеъдодни авайлаб-асраш керак. Тўғри тарбияласангиз бир кун келиб салоҳияти, ҳалоллиги ва мартабасидан қувониб юрасиз.

**Саккизинчи рақам.** Болангизнинг тақдир рақами саккиз бўлса, демак омадингиз келибди. Чунки тақдирлар тизимидаги энг ажойиб ва ғаройиб бола саккизинчи ҳисобланади.

Гўдаклигиданоқ унинг ҳар бир ҳаракати, гап-сўзлари барчага завқ бағишлайди. Ёшига ёш қўшилиши билан сизни ҳайрон қолдирадиган турли ғаройиботларни ўйлаб топади. Ҳатто саволлари билан қийнаб қўйиши мумкин. Шуни эсда тутингки, ҳар қандай шароитда ҳам унга қўл кўтарманг. Танбеҳ берсангиз, асосли бўлсин. Акс ҳолда бундан кейин у сиз билан ҳисоблашмай қўяди.

Бундай болалар сизга буйруқ бериб, аниқ бажарилишини талаб қилса, ажабланиб ўтирманг. Шундай пайтда унга оиланинг бошлиғи борлигини, вақти-соати етиб у ҳам оилани бошқаришини ётиғи билан тушунтиринг. Оилага ким хўжайин эканлигини англаб етгач, қилиғини ташлайди. Бу билан яна хонадонга осойишталик қайтади.

Шуни яхши билингки, 8 рақами куч-қудрат ва ҳокимият рамзидир. Шу сабаб кичкинтой болалигиданоқ нима яхши, нима ёмонлигини фарқлай оладиган бўлиши зарур. Бундай болалар мустақил фикрли бўлиш билан бирга ўта рашкчи ҳамдир. Шу боис ота-она болаларини бирдай кўриши, ўз навбатида улар ҳам катталарнинг ҳурматини жойига қўйиш кераклигини ёшликдан ўрганиши керак. Боланинг қалбига йўл топиб, яхши тарбиялай олсангиз, ҳамиша ҳузур-ҳаловатда яшайсиз.

**Тўққизинчи рақамли** болага кўп нарса беришдан аввал, ундан жуда кўп нарса оласиз. Уларни ҳеч иккиланмай «оила муаллими» деса арзийди. Негаки, тўққизинчилар жуда ғаройиб бўлиб, кенг фикрлаши, серқирра истеъдоди билан ҳаммани ўзига қаратиб олади. Ўзига хос ҳусни, ақли билан ҳамиша азиз бўлади. Лекин вақти-вақти билан қайсарлиги тутиб қолади. Бундай болалар зукколиги билан оила муаммоларини ҳал қилишга бош қўшадилар.

Бундай болалар мақсад сари дадил қадам ташлайдилар. Уларни йўлдан қайтариш жуда қийин. Ота-онасини қаттиқ яхши кўрадилару билдирмайдилар. Улардаги қобилият ва ўзига хос қатъиятни асраб-авайлаш, камолга етказиш керак. Шунча ақл-фаросати билан улар кучсиз, ҳамиша меҳрга ташна бўлишади. Шуни ҳеч қачон унутманг.

Тўққизинчилар улғайиб, оиладан узоқлашсалар ҳам вақт топиб бағрингизга қайтади. Меҳрига қўшиб топганларини ҳам сизга илинади. Унинг учун энг азиз инсон ота-онадир.

**А.НАБИЕВА тайёрлади**



**2009 йил 9 июн. «Бунёдкор» мухлислари ёдида узоқ вақтгача унутилмайдиган бўлди. Чунки шу куни футбол клуби кимсан Луис Фелипе Сколари билан 18 ойга мўлжалланган шартнома имзолади. Жаноб Сколари клуб ҳамда болалар футбол академияси фаолиятларига йўриқчилик қилади.**



# Сколари шартнома имзолади

Ушбу воқеа юзасидан Луис Фелипе Сколари шундай дейди:

— Ҳозир ўзбек футболи ривожланиш палласига кирди. Айниқса, сўнгги 4 йил ичида «Бунёдкор» алоҳида нуфузга эга бўлганлиги қувонлидир. 2010 йилнинг март ойида «Тошкент» футбол шаҳарчасидаги янги стадион барпо этилгач, клуб тарихида янги аср очилади. Мен керакли жойда, керакли вақтда ва керакли жамоада эканлигимга аминман.

Болалар футбол академиясига йўриқчилик қилишига шарҳ берар экан, жаноб Сколари қуйидаги фикрни билдирди:

— Мени Ўзбекистонда спортга мамлакат Президенти Ислом Каримов ва республика ҳукумати, Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан жалб этилаётган ижтимоий сармоялар даражаси юқорилиги жудаям ром этди. Ва шу боис мен болаларга таълим бериш борасидаги янги изланишларга имкон қадар тезроқ киришиб кетишимни хуш кўрибман. Футбол Ўзбекистондаги барча болалар ва ўсмирларга ўз салоҳиятларини ривожлантириш ва амалда кўрсатишга имконият яратиши лозим. Академияда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлган 400 нафар ўқувчи бу даргоҳда ўрта таълимга эга бўлишдан ташқари, бир вақтнинг ўзида футбол тайёргарлиги бўйича чуқурлаштирилган курсни ҳам тамомлашади. Шунингдек, ёш футболчиларни тайёрлаш учун хориждан яна етти нафар мутахассис таклиф этилиши режалаштирилган.

Жаноб Сколарига клуб билан ишлашда ҳамда футбол академияси фаолиятини олиб боришда унга у ўзи танлаган ва «Бунёдкор»га бирга олиб келган мутахассислар гуруҳи ёрдам беради. Булар иккинчи мураббий – Флавио Да Кунья Тейшейра (Муртоза), жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий – Дарлан Жозе Шнейдер, дарвозабонлар мураббийи – Антонио Карлос Прачидели.

«Бунёдкор» клубининг ижрочи директори Таваккал Исмоилов эса бу борада шундай деди:

— Жаноб Сколари «Бунёдкор» билан ишлашга қарор қилганидан жуда хурсандмиз. Бу машҳур мутахассис клубимизнинг келажагига ва умуман, бутун ўзбек футболининг тараққиётига қаттиқ ишонаётганини кўрсатади. Энди унинг олдидаги асосий вазифа – клубимиз ва шу билан бирга, юртимиздаги бошқа жамоалар ўйинлари савиясини кўтаришдан иборатдир. Токи биз саралаш мусобақасини омадли ўтказиб, 2014 йили Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатига бориш имконига эга бўлайлик.



## МАЪЛУМОТ:

**Луис Фелипе Сколари**

(1948 йил 9 ноябрда туғилган) — бразилиялик футбол мураббийи

Мураббий сифатида ютуқлари

**Клублар**

- Алагоас штати чемпиони: 1982 («ССА»)
- Риу-Гранди-ду-Сул штати чемпиони (3 марта): 1987, 1995, 1996 («Гремио»)
- Бразилия чемпиони: **1996 («Гремио»)**
- Бразилия кубоги соҳиби (3): 1991 («Крисиума»), 1994 («Гремио»), 1998 («Палмейрас»)
- Либертадорес кубоги соҳиби (2): 1995 («Гремио»), 1999 («Палмейрас»)
- Жанубий Америка Рекопаси (Суперкубоги) соҳиби: 1996 («Гремио»)
- Меркосур кубоги соҳиби: 1998 («Палмейрас»)

**Терма жамоалар**

- Жаҳон чемпиони: **2002 (Бразилия)**
- Европа чемпионати финалчиси: 2004 (Португалия)

**Шахсий**

- Жанубий Америкада йил мураббийи (2): 1999, 2002
- ФИФА сўрови бўйича жаҳонда йилнинг энг яхши мураббийи: 2002

**● Тошкент вилояти**

# Эзгулик

**Собир Юсупов ўзбек спорти, хусусан, футбол ривожига катта ҳисса қўшган инсон эди. У Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугатгач, Зангиота туманида спорт-йўриқчиси бўлиб фаолиятини бошлади.**



Кейинчалик туман «Пахтакор» спорт жамияти раиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тузилгач эса республика «Пахтакор» соғломлаштириш спорт клубини бошқарди. Спортни кўтаришда, қишлоқ аҳолисини спортга жалб қилишда жонбозлик кўрсатди.

Яқинда Тошкент Давлат Аграр университети футбол майдонида мини футбол бўйича спорт фидойиси Собир Юсупов хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди. Аввал Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасаррруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда спорт клублари тарбияланувчиларидан тузил-

## Хотира турнири

ган 9 та жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда саралаш учрашувларини ўтказди. Шундан сўнг ярим финал ва финал ҳамда учинчи ўрин учун баҳслар ташкил этилиб, унга кўра Қибрайнинг «Геофизика» жамоаси биринчи, Тошкент вилоятининг 1-БЎСМ футболчилари иккинчи, вилоят ихтисослашган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари учинчи ўринни банд этди.

Хотира турнири ғолиб ва совриндорлари медаллар, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ташкилотчилар мусобақани анъанавий тарзда ўтказиш, унинг жўғрофиясини янада кенгайтириш ҳақида тилак билдиришди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**● Сирдарё**

# Камолот маликалари

***«Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилоятида қизлар ўртасида стол тенниси бўйича «Камолот маликалари» мусобақасини ташкил этди. Танлов икки босқичдан иборат бўлиб, дастлаб туман ва шаҳарларда ўтказилди.***

Танловнинг иккинчи босқичи Гулистон шаҳридаги 16-умумий таълим мактабининг спорт залида бўлиб ўтди. Беллашувда биринчи ўрин мирзаоболлик теннисчилар Муҳайё Шомуродова ва Азизахон Эгамбердиеваларга насиб этди. Иккинчи ўринни гулистонлик Шаҳноза Жўраева ҳамда боёвутлик Гулноза Ҳотамовалар эгаллашди.

Улар энди республика босқичи беллашувларида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**● Бухоро**

***Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан Бухоро шаҳрида имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказилган республика спартакиадасида қашқадарёликлар фаол иштирок этди.***

## Спартакиада

# Матонатли ёшлар

Спортнинг енгил атлетика ва дзю-до бўйича ғолибликни эгаллаган кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ўқувчилари Машҳура Тўлаева ва Абдуғани Алмуродов 2012 йилда Лондонда бўладиган паралимпия ўйинларида юртимиз шарафи учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Мазкур мактабда таълим олаётган Жаҳонгир Маматов дзю-до кураши, енгил атлетика бўйича Адҳам Рустамов, вилоят кар-соқовлар мактабидан Дилшода Каримова ва Ҳасан Умаров стол тенниси баҳсларида ғолиб бўлишди.

Ёшларга вилоят ҳокимлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Сурхондарё**

***Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгаши ташаббуси билан соҳа ходимларининг анъанавий XIII спартакиадаси ўтказилди. Мусобақаларда вилоятнинг барча туманлари ва Термиз шаҳридаги мактаблардан жами 238 нафар спортсевар, шулардан 104 нафари хотин-қиз, устоз-мураббийлар иштирок этди.***

## Оммавийлик

# Майдонда — ўқитувчилар



Енгил атлетика баҳсларида Денов тумани вакиласи Феруза Юсупова, эркаклар ўртасида Термиз туманидан Жаҳон Эрназаров беллашувларга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этдилар.

Кўл кучини синаш баҳси – армрестлинг мусобақасида шўрчилик Эшмурод Худоёров ва ангорлик Гули Ҳайитова энг яхши натижа қайд этди.

Деновлик Матлуба Шеранова, Термиз шаҳридан Сабоҳат Раҳмонова, сариосиёлик Маъмура Туланова лар стол тенниси бўйича ғолиб бўлишди.

Арқон тортиш мусобақалари финалида Денов ва Сариосиё туманлари ўқитувчилари беллашди ва бу баҳсда деновликларга омад кулиб боқди.

Мини футбол мусобақаларида Норхўжа Абдуллаев етакчилик қилган қумқўрғонлик устозлар зафар қучишди. Шашка мусобақаларида бандихонлик, шахмат баҳсларида Термиз шаҳри ва Олтинсой тумани спортчилари пешқадамликни қўлга киритди.

— Шунингдек, соҳада меҳнат қилаётган байналмилалчиларни қадрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш ҳамда улар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида, вилоят байналмилалчи жангчилар спартакиадасини ҳам ўтказдик, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят Кенгаши раиси Холбўта Досов. — Шунингдек, мини футбол, армрестлинг, шахмат-шашка, арқон тортиш, стол тенниси турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Спартакиада якунида барча иштирокчи байналмилалчиларга касаба уюшмасининг совғалари топширилди.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

# КЕЛАЖАК энергияси



Бугун инсоният ҳаёти электр энергияси билан чамбарчас боғланган. Шу даражадаки, топган хом гўштига-да қаноат қилган Одам авлодлари энди бу «куч»сиз ҳатто бир қадам қўйишни ҳам тасаввур қила олишмайди.

Аслида киловатт-соат энергия ҳосил қилиш учун қанча маблағ сарфланишини ўйлаб кўрганмисиз? Электр энергияси ҳосил қилишда фойдаланиладиган газ, кўмир, сув каби табиий захираларнинг чекланганлигини-чи? Бу манбалар яқин ўн йилликлар ичида бутунлай тугаши мумкинлиги илмий жиҳатдан асосланганидан хабардормисиз? Жаҳон энергетика кенгаши тақдим этган режага мувофиқ, курраи заминимизда ҳар йили ишлатиладиган ёқилғи 15 миллиард тонна нефт энергияси эквивалентидан ошмаган тақдирдагина бундай ҳалокатнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун 2050 йилга бориб сарфланиши мўлжалланаётган ёқилғининг қирқ фоизи қуёш, шамол, оқар сув ёрдамида ҳамда биологик усулда ҳосил қилинадиган энергия каби қайта тикланувчан манбалардан фойдаланиш ҳисобига қопланиши лозим.

Мамлакатимизда ҳам экологик соф ва безарар энергия манбаларидан турли жабҳаларда кенг фойдаланишга, бу борадаги табиий ресурсларни тежашга йўналтирилган кўплаб дастурлар амалга оширилаётир. «Эко-энергия» илмий-татбиқий маркази ва БМТнинг Ривожланиш дастури ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ушбу йўналишдаги лойиҳа доирасида «Зомин» мониторинг марказига, Бухоро вилоятидаги «Жайрон» экомарказига, Сурхондарё вилоятидаги «Оқтепа» табиат боғига қуёш энергияси билан ишловчи фотоэлектр станцияси ҳамда коллектор ўрнатилди. Қорақалпоғистоннинг чекка туманларидаги чорвачилик хўжаликларида фотоэлектр станциялар муваффақият билан ишламоқда.

## Ёруғ, иссиқ ва... фойдали

Электр энергиясини ҳосил қилишда Қуёш энг катта манба ҳисобланади. У ер юзидаги барча жонзотни энергия билан таъминлай олади. Бир соатда Ер аҳолисининг энергияга бўлган йиллик эҳтиёжини қоплайди. Ундан фақат тўғри фойдаланиш керак. Акс ҳолда, оқибати жуда ёмон бўлиши мумкин.

Фотоэффект ускунаси симобдан ишланган, бир неча қатламли тўрлардан иборат. Нур тўрлар орасига тушганда қатламларда кучланиш ҳосил бўлади. Ўсиб боришни назорат қилувчи ускуна кучланишдан электр токини ажратиб олади. «Қуёш тўрлари» 1960 йилда яратилган бўлишига қарамасдан, фотоэффект француз Александр Бекуэрл томонидан кашф қилинганди. Улар дастлаб космик кемаларга ўрнатилган.



Қуёш энергияси ҳосил қилувчи бундай технологияларни ишлаб чиқаришда немислар етакчилик қилмоқда. Ўтган йили Германия қуёш энергияси саноатини ривожлантириш учун тахминан 7 млрд. евро сарфлади. Ишлаб чиқарилаётган технология ва техник жиҳозларнинг деярли ярми экспорт қилинмоқда. Бу соҳада фаолият юритаётганлар сони 50 000 нафардан ошиб кетди.

ГФР қуёш энергияси соҳасидаги илмий изланишларнинг янада кенг кўламли бўлишига интилмоқда. 2020 йилдан бошлаб Германиядаги энергиянинг тўртдан бир қисмини шамол, сув кучи каби қуёш энергияси ускуналари ёрдамида олиш кўзда тутилган. Немис ҳокимияти, хусусий фирмалар бу кашфиётнинг амалиётга татбиқ этилишини тезлаштиришни хоҳлайди. Шахсий уй эгалари томларига фотоэффект ускунасини ўрнатиш ҳуқуқига эга. Бу ускуналар қиммат бўлганлиги учун давлат айни шу соҳа учун кредитлар ажратишни лозим топди. Бу ускуналар бир оила эҳтиёжидан ҳам кўпроқ электр токи ишлаб чиқара олади. Шунинг учун ортиқча энергияни сотиш ҳам мумкин.

Бироқ таклиф этилаётган ускуналар нефт, газ, кўмир ва ҳатто атом энергиясидан қимматга тушиши тайин. Бу нарх келгуси 10-15 йилликда арзонлашар? Яқин келажакда истаган киши қуёш энергиясидан фойдаланиш имконига эга бўлар?

Бу лойиҳаларнинг энг аҳамиятли жойи табиатга зарар етказмаслигидадир. Немислар қуёш энергияси билан юрувчи автомобилларни кашф қилишга ҳам киришишди. «Даймлер» компанияси ҳамда «Эвоник» саноат концерни 2012 йилда электр зарядли автомашиналарни ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бундай машина билан ҳатто, саёҳатда ҳам ўзингизни бемалол ҳис қиласиз. Машиналарда махсус «Litium-lonen» батареяларидан фойдаланилади. «Даймлер»нинг «Смарт» русумли автомашинасида бу технология синовдан ўтказилди. Бундай электр зарядли батареялар ўрнатилган машиналарда катта масофани босиб ўтиш мумкин, бунинг устига нархлар ҳам жуда қулай. Ҳукумат розилигидан сўнг 2020 йилгача бундай машиналардан 1 млн.таси ишлаб чиқарилади. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, бугунги кунда ГФРдаги автомашиналар сони 36 млн.тани ташкил қилади.

## «Қуёш, нуринг сочавер мўл-мўл...»

Ўзбекистон шароитида бундай энергетика янада катта истиқболга эга. Чунки мамлакатимизнинг кўп туманларида йилнинг 350 куни қуёшли бўлади. Ҳар йили бир квадрат метр ер сатҳига бир миллион етти юз минг киловатт-соат миқдорида қуёш энергияси тушади.

Ўзбекистон фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси селектив қопламалар ва қуёш иссиқлик қурилмалари лабораториясида бундай вазифалар ечимини топишга хизмат қиладиган ноанъанавий, қайта тикланувчан ва экологик тоза қуёш энергиясидан иссиқлик манбаи сифатида фойдаланувчи қурилмалар мажмуаси яратилди. Ўзбекистон энергетикларининг бу борада қўлга киритган ютуқлари қуёш энергиясидан иссиқлик таъминоти тизимларида кенг фойдаланиш имконини беради.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган 65 млн. тонна шартли ёқилғининг учдан бир қисми аҳолининг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини қоплаш учун сарфланади. Агар унинг 25 фоизи қуёш энергияси ҳисобига қопланса, талаб қилинадиган анъанавий ёқилғи миқдори сезиларли даражада камаяди, атроф-муҳитга етказилаётган зарарнинг олди олинади.

Қуёш энергиясини иссиқлик энергиясига айлантирувчи қурилма қуёш коллектори деб аталади. Истеъмолчиларнинг иссиқлик энергияси ёки иссиқ сувга бўлган эҳтиёжини исталган вақтда қондириш учун қўшимча иссиқлик энергияси аккумуляторлари талаб этилади. Ҳозирги пайтда олимларимиз шундай қурилмаларнинг кенг кўламда фойдаланишга мўлжалланган нусхаларини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш борасида изланмоқда.

Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг яна бир муҳим йўналиши уни фотоэлектрик батареялар ёрдамида электр энергиясига айлантириш ва марказлашган электр тармоқлари етиб бормаган жойлардаги истеъмолчиларни таъминлашдир. Ҳозир республикамизнинг тоғолди ва чўл ҳудудларида шундай қурилмалардан бир нечтаси ишлаб турибди.

Қуёшдан олинадиган электр энергияси нархини янада пасайтиришнинг истиқболли йўлларидан бири термодинамик усулдир. Бунда дастлаб қуёш энергияси ҳарорати 300-350 даража бўлган иссиқлик энергиясига айлантирилади, кейин ундан анъанавий буғкуч қурилмалари ёрдамида электр энергияси ҳосил қилинади. Бу усулда ишлаб чиқилган ҳар бир киловатт-соат электр энергиясининг нархи Ўзбекистон иқлими шароитида 0,1 АҚШ долларигача пасайиши мумкин.

Қуёшдан ташқари шамолдан ҳам айнан шу мақсадда фойдаланиш ўзини оқлайди. Чунки юртимизда доимий шамол эсиб турадиган очиқ майдонлар кўп. Географик жиҳатдан қулай жойлашув мазкур лойиҳаларни амалга оширишда қўл келиши аниқ. Энг муҳими, келажак энергиясини яратиш ва фойдаланишда Ўзбекистон ҳам жаҳоннинг етакчи давлатлари билан тенгма-тенг қадам ташлай олади. Бунинг учун табиий, иқтисодий ва интеллектуал ресурслар етарли.

**Дилдора ОЙМАТОВА,**
**Фурқат СОАТОВ**








*Ҳаётимиз кўп қизиқ,*
*Янгиликка тўладир.*
*Қаранг, ит юкхонадан*
*Тил осилиб куладир.*
***
*Оёқ-қўлим ечволиб,*
*Қидирдим чиқар йўлни.*
*Бирор мард топилмайди,*
*Беришга менга қўлни.*
***
*Ишқилиб соҳибимдан*
*Қолмасайдим балога.*
*Унгача тўйиб олай,*
*Соф-мусаффо ҳавога.*

**Асадулла МИРЗААКБАРОВ**
**«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг раиси**

*Қаранг машинангизга,*
*Мумкинми қора ойна?*
*Посбонлар кўриб қолса,*
*Ана шу сизга «фойда».*
***
*Мен сизнинг дўстингизман,*
*Йўлга қараб кетаман.*
*«Авария» қилиб қўйманг,*
*Пачоқ бўлсам нетаман?*

**Жавлон ШАРАПОВ,**
**«Мадад» суғурта агентлиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**



Энди навбатдаги суратга изох топинг-чи?

# Алпомишга алла айтган момоларим...



*Алла ажиб наво ёруғ оламда,*
*Боғдаги энг гўзал гуллар сараси.*
*Гўзал қўшиқлар кўп, аммо жаҳонда*
*Энг муқаддас қўшиқ — она алласи!*

Бу қўшиқда қандай сеҳрли куч борки, ҳеч бир гўдак уни тингламасдан ухлай олмайди, у турли тилда куйланса ҳам юракни бирдай тўлқинлантиради...

Бўёқчи Макар ҳақидаги кинофилм ёдингиздами? Ўшанда тошбақага айлантирилган (сеҳр воситасида ўз қиёфасини йўқотган) шаҳзодага ўзини эслаши учун алла айтилади ва... шунда шаҳзода ўзига келади.

Ҳа, фарзанд дунёга келар экан, дастлаб диний урф-одатлардан (мусулмонларда чақалоқ қулоғига азон айтилади, насронийларда муқаддас сувда чўқинтирилади...) сўнг... унга меҳр-муҳаббатга лиммо-лим — ватанни англашга, орли бўлишга, жасоратга ундовчи туйғулар жўш уриб турган она алласи айтилади. Бу бежиз эмас. Чунки фарзанд митти юраги билан алла орқали аста-секин оламни англайди. Муқаддас Қўшиқнинг ҳар бир сўзи эса фарзанднинг комил инсон бўлиб шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Алла — оналарнинг Аллоҳдан фарзандига сўраётган бахт-иқбол, соғлиқ, баркамоллик йиғиндиси.

Бу Муқаддас Қўшиқнинг аниқ муаллифи йўқ: ҳар ким унга ўз меҳри билан куй басталаб, дил қўридан ялраган ният билан уйғунлаштиради.

***Алла айтай, жоним болам,***
***қулоқ солгин, алла.***
***Бахтимга сен катта бўлгин,***
***кўрар кўзим, алла...***

Эътибор беринг: она аллани фарзандининг қулоқ солишини таъкидлаб бошлаяпти. Бу шунчаки айтилган деб ўйлайсизми? Бу боланинг ҳар бир ишни бошлашдан аввал ўзидан катталарнинг сўзига қулоқ тутиб, ақлли фарзанд бўлишини ният қилиб айтилгандек гўё. Психологларнинг таъкидлашича, алла тинглаб ухлайдиган болалар осуда дам олишаркан. Чунки у янграётганда, ҳатто, гўдакнинг мияси ҳам ором олар экан.

Яна бир хусусият — аллада гендер муносабатлари ҳам мавжуд. Агар гўдак ўғил бола бўлса, айтиладиган аллада унинг келажакда орли, ўзини ва элини ҳурмат қиладиган йигит бўлишига урғу берилади, қиз болага айтиладиган аллада эса асосан ибо-ҳаё қўшиқ қилиб куйланади. Боиси, танамиз орқали ҳар куни сон-саноқсиз ахборот руҳимизга «жойлашади». Буларнинг эса аксарияти инсонни чалғитувчи, адаштирувчи хабарлардир. Гўдак вужуди булоқ сувидай покиза бўлади. Чақалоққа айтилган алла эса унинг руҳида бир умр сақланиб қолади, уни ҳаракатлантирувчи кучга айланади деган нуқтаи назардан бу Кўҳна Қўшиққа муқаддас, деб қаралади. Бир сўз билан айтганда, оналар фарзандига комилликни алла қилиб айтса, фарзанд улғайгач, албатта, маънавий камолотга эришади. Зотан, бу Муқаддас Қўшиқни тинглаб улғайган боладан эртага ёмонлик кутиб бўлмайди.

**Саида АЛЛАЕВА,**
**Тўйтепа тумани**

## Сўранг, жавоб берамиз

***«Дамас» русумли автоуловимни аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида хусусий фирмага шартнома асосида ижарага бергандим. Ишончнома асосида ҳайдовчи қилиб олинган шахс белгиланган тўловга кўра ишлаб келган. Лицензия олинган, даромад тўғрисида Давлат солиқ инспекциясига декларация топширилган.***

***Ҳайдовчи чорва моллари ўғирлиги туфайли ҳибсга олинди. Менга тегишли автоулов эса ашёвий далил ва жиноят қуроли сифатида олиб қўйилиб, тўрт ойдан буён ИИБда сақланмоқда. Тирикчилик манбаимиз бўлмиш автоуловни қачон ва қай тартибда қайтариб олишим мумкин?***

***Т. СОБИРОВ,***
***Олтинсой тумани***

# МАШИНАНИ қайтариб ололамизми?



Тўғри, Фуқаролик кодексининг 166-моддасиға мувофиқ, мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашдан иборатдир. Мулкдорнинг мол-мулкини олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Шунинг учун Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддаси 1-бандининг олдинги таҳририга кўра, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига қарашли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши лозим, улар тегишли муассасага топшириларди ёки йўқ қилиб юбориларди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Қонунга (10.09.2008 й) кўра, мазкур банд қуйидагича ўзгартирилди: жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади.

Мазкур кодекснинг 208-моддасига кўра, ашёвий далиллар улар ҳақидаги масала суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан ёхуд суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ишни тугатиш тўғрисидаги қарори билан ҳал қилинмагунга қадар сақлаб турилади.

Мазкур кодекснинг 56-моддасида жиноят шахсга... мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, у... фуқаровий даъвогар деб эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Фуқаровий даъвогар даъво қўзғатиш ва уни қувватлаш, далиллар тақдим қилиш, қўзғатилган даъво бўйича тушунтиришлар бериш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш, илтимоснома бериш ва рад қилиш, суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

ЖПКнинг 457-моддасига биноан суд ҳукм чиқариш вақтида фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишлари лозимми, ашёвий далилларни нима қилиш керак каби масалаларни ҳал этади.

Демак, сиз айтаётган муаммо суд тартибида ҳал қилинади.

**Довуд МАЪДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Тошкент олий Умумқўшин қўмондонлик билим юртига тегишли **QK-1№ 008840** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ishonch
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
*Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев*

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

E-mail: mail@ishonch.uz

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

ISSN 2010-5002

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - Н.Махамов
Мусаҳҳиҳ - С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г—557
Тиражи: 18263

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.30

Сотувда эркин нархда
1 3 4 5 6 7 8 9